

2007 й.  
шри.

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИНING  
КОНСТИТУЦИЯСИ

Ўзбекистон — суверен демократик республика. Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

1  
(746)-son

5-yanvar

www.xabar.uz  
xabar@uzpak.uz  
orif@infonet.uz

2007

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

## БОЛАЖОНЛАРИМИЗ УЧУН БАЙРАМ ТУХФАСИ

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида бошланган анъанавий "Президент арчаси" шодиёналари бутун мамлакатимиз бўйлаб давом этди. Қорбобо ва Қорқиз, турли эртақ қаҳрамонлари, эстрада юлдузлари, цирк усталари, болалар бадий жамоалари иштирокидаги мусиқий ва сахналаштирилган дастурларни шодиёна қатнашчилари катта қувонч билан кутиб олдилар. Байрам тадбирларида иштирок этган барча ўғил-қизларга Президент совғалари топширилди.

Айни кунларда ҳам истироҳат боғларида, мактаб ва болалар боғчаларида байрам томошалари бўлиб ўтмоқда. Бу — болажонларимиз учун ҳақиқий байрам туҳфаси бўлганлигини уларнинг ёруғ чеҳраларию қувноқ кўзларидан англаш мумкин. Улар безалган арча атрофида биргаликда қўшиқлар айтишиб, рақслар тушишиб, бахтиёр болаликнинг ажойиб лаҳзаларини хушнудлик ила ўтказишмоқда...



Солиҳ ЗОИР олган суратлар.



Интернет  
ҳамкорларимиз

**UzNet**

Internet Service Provider

— сифат рамзидир

**SarkorTelecom**  
Internet service provider

— юқори тезликдаги уй Интернети

## JUMADAN — JUMAGACHA

Мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов янги — 2007 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон халқига Янги йил табриги йўлади. Табрикда, жумладан, шундай дейилади: "Ўз поёнига етган йил мамлакатимизнинг тараққиёт йўлида, ҳаётимизнинг барча йўналишларида олдин бошлаган ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятимизни янгилаш, иқтисодиётимизнинг барқарор усиш суръатларини таъминлаш, халқимизнинг фаровонлигини оширишда алоҳида урин эгаллайди, десак, уйлабманки, хато бўлмайди.

Иқтисодиётимизнинг барқарор усиш суръатлари 107,2 фоизни ташкил этгани, харидор-боп маҳсулотларимизни четта сотиш, яъни экспорт миқдори тахминан 30 фоизга, олтин-валюта захираларимиз 33 фоизга, давлат бюджетимизнинг ҳажми 27 фоизга ўсгани, шулар ҳисобидан меҳнатчиларимизнинг реал иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар 36 фоизга кўпайгани, инфляция — нарх-навоининг усиш даражаси эса 7 фоиздан ошмагани мамлакатимиз жорий йил мобайнида қандай юксак марраларга эришганининг яққол тасдиғидир...

2007 йилга "Ижтимоий ҳимоя йили" деб ном берганимиз замирида ҳам, аввало, ҳаётимизни янги босқичга кўтариш, муҳтож инсонлар ва кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, энг муҳими, жамиятимизда ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик муҳитини мустақамлаш каби олжаноб мақсадлар мужассам экани барчамизга аён.

Бир сўз билан айтганда, 2007 йилда амалга оширадиган режа ва дастурларимизнинг маъномазмун ва широва натижаси ўтган йиллардагидан асло кам бўлмайди, деб ишонтириб айтишга барча асосларимиз бор."

Янги, 2007 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларидан жаҳонда тинчлик ва оқсоқлик, давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистон халқига бахт-саодат, омонлик тилаб, эзгу истаклар изҳор этилган самимий кутловлар келиб турибди.

Жумладан, Россия Федерацияси Президентини В.ПУТИН, Хитой Халқ Республикасининг Президенти Ислам Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларидан жаҳонда тинчлик ва оқсоқлик, давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистон халқига бахт-саодат, омонлик тилаб, эзгу истаклар изҳор этилган самимий кутловлар келиб турибди.

Жумладан, Россия Федерацияси Президентини В.ПУТИН, Хитой Халқ Республикасининг Президенти Ислам Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларидан жаҳонда тинчлик ва оқсоқлик, давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистон халқига бахт-саодат, омонлик тилаб, эзгу истаклар изҳор этилган самимий кутловлар келиб турибди.

2006 йилнинг охириг иш кунда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ҳайъатининг ўтган йилдаги энг сўнгги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ҳайъат аъзолари, Агентликнинг бўлим бошлиқлари, корхона ҳамда ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этишди.

Мажлисни Ҳайъат раиси, Агентлик Бош директори А.АРИПОВ олиб борди.

## КУН ТАРТИБИДА:

# ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ ВА ШАҲАР ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯСИ



Мажлисда, асосан, иккита масала кўриб чиқилди ва муҳокама қилинди. "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фуқаро муҳофазаси ҳолати ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида"ги биринчи масала бўйича Агентликнинг Махсус ишлар бўлими бошлиғи Д.Алихўжаев ахборот берди.

Маълумки, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги фуқаро муҳофазасининг муҳим масалаларидан бири Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимига кирувчи компаниялар, жамиятлар, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг тинчлик дарида ҳамда фавқулодда ҳолатлар юз берганда барча алоқа корхоналарининг барқарор фаолият кўрсатишини, фавқулодда ҳодисаларни зудлик билан бартараф этишни таъминлашдан иборатдир.

2006 йили Агентлик тизимидаги барча корхоналарда фуқаро муҳофазасига тайёргарлик юзасидан бир қатор ишлар бажарилди. Жумладан, 2 ноябрда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган барча тоифалаштирилган объектларда бир суткалик қўмондонлик-штаб машқлари ўтказилди. Туман ҳокимлари томонидан уюштирилган 36та қўмондонлик-штаб ўқув машқларида ҳамда "Тошкент — Ўш" автомобил йўли "Қамчик" довозида ўтган машқларда талаб этилган жойлар барқарор алоқа билан таъминлаб берилди.

Фуқаро муҳофазаси масалаларида эришилаётган ютуқлар билан бирга қатор камчиликлар ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фуқаро муҳофазаси институтига раҳбар ва ходимларни юбормаслик ҳоллари учраб турибди. Масалан, Агентлик томонидан тасдиқланган режа асосида жорий йилнинг биринчи ярмида ўшбу институтда 50 киши ўқитилиши керак эди. Лекин ўқушга 42 киши юборилган.

2006 йил давомида вилоятлардаги фуқаро муҳофазаси ҳолатини ўрганиш мақсадида Агентликнинг Махсус ишлар бўлими томонидан Андижон, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида жойлашган алоқа корхоналари, Давлат алоқа

инспекцияси томонидан эса "Ўзбектелеком" АКнинг "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг "Тошкент почта" филиали текширувдан ўтказилди.

Текширув натижаларига кўра Радиоалоқа, радиозвонитириш ва телевидение марказининг Хоразм филиали, Республика махсус алоқа боғламасининг Навоий вилояти бўлими, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиали ҳамда Зарафшон, Кармана, Конимех почта алоқаси тармоқларида фуқаро муҳофазаси ишлари жуда ёмон аҳволда бўлгани учун, ўшбу корхоналар фуқаро муҳофазаси тадбирларини бажаришга "тайёр эмас" деб топилди.

Шу сабабли, Ҳайъат йиғилишида юқоридаги ташкилотларнинг фуқаро муҳофазаси юзасидан олиб бораётган ишлари қонқарсиз деб баҳоланди.

Ҳайъатда Агентлик тизимидаги компаниялар, жамиятлар, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари зиммасига соҳада фуқаро муҳофазаси тизимини ривожлантириш ҳамда ишчи ва хизматчиларни ҳимоялаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича бир қатор муҳим вазифалар юкланди.

Кун тартибидagi иккинчи масала — "Тошкент шаҳар телекоммуникациялар тармоғининг ҳолати ва уни келгусида ривожлантириш истикболлари тўғрисида" "Ўзбектелеком" АК "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали директорининг техник масалалар бўйича ўринбосари Ў.Тўхтаевнинг ахбороти тингланди. Маълумки, кейинги йилларда пойтахтимизда мазкур йўналиш бўйича бир қанча ижобий ўзгаришлар содир бўлганини қайд этди. Масалан, Тошкент шаҳар телекоммуникация тармоғини рақамлаштириш бўйича ишлар 1996 йилдан бошланиб, 2005 йилгача рақамлаштириш даражаси 38 фоизни ташкил этган бўлса, 2005-2006 йиллар давомида бу кўрсаткич 82,5 фоизга етказилди. "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалининг оптик транспорт халқаси «Хуавей» компаниясининг DWDM ва STM-16

технологиялари асосида кенгайтирилди. 2006 йилда жами тармоқни реконструкциялаш ва кенгайтириш учун 12 млрд. сўм инвестиция киритилди.

Жорий йилда реконструкция қилинган аналог станцияларнинг 9400та жуфт схемада уланган абонент линиялари алоҳида ажратилиб, Собир Раҳимов телефон боғламасидаги аналог станциялар тўлиқ рақамлаштирилди.

Шаҳар телекоммуникация тармоғини реконструкция қилиш ва кенгайтириш, хизмат кўрсатиш сифати ва самардорлигини ошириш бўйича 2007 йил бизнес режаси қабул қилиниб, 39 млрд. сўм даромад олиш ва 2006 йилга нисбатан даромадларни 14 фоизга ошириш режалаштирилган. Шунингдек, 2,2 млрд. сўмлик капитал маблағни ўзлаштириш, 650 млн. сўмлик капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланди. Жумладан, Хитой Халқ Республикасининг Тараққиёт банки кредити бўйича "Хуавей" компанияси билан тузилган шартнома доирасида умумий сигими 110 минг рақамга тенг бўлган рақамли телефон станциялари ўрнатилди ва IP-транспорт тармоғи қурилиб, NGN-хизматларини кўрсатиш имконияти яратилди.

Ҳайъатда шаҳар телекоммуникациялар тармоғини ривожлантириш, замонавий хизмат турларини кўрсатишни кенгайтириш бўйича яна кўпгина ишларни амалга ошириш зарурлиги қайд этилди.

Қўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлис сўнггида алоқа тизимларида узок йиллар самарали фаолият кўрсатган соҳа ходимларидан бир гуруҳига Агентликнинг "Мохир алоқачи" фахрий унвони берилди.

Шунингдек, ўтган йилнинг 12-13 декабр кунлари Москвада бўлиб ўтган Алоқа соҳасидаги худудий ҳамдўстлик (АСХХ) Алоқа маъмуриятлари кенгашининг йиғилиши қарорига биноан тақдирланган алоқачиларимизга АСХХ Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Мукофотларни Агентлик Бош директори А.Арипов топширди.



## МАМЛАКАТИМИЗДА...

Биринчи навбатда, юртимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сурганидан Яратганга шукроналар қилсак арзийди. Хар куни оммавий ахборот воситалари орқали дунёда қандай воқеалар юз бераётганидан, қанчалик қалтис замонда ҳаёт кечираётганимиздан яхши хабардоримиз. Биргина табиатнинг ўзи инсониятни аёвсиз жазоламоқда. Заминимизнинг турли бурчакларида табиий офатлар – зилзилалар, тўфонлар, ёнгинлар, қурғоқчилик сув тошқинлари аянли оқибатлари билан минглаб-миллионлаб инсонлар ҳаётига зомин бўлмоқда. Қолаверса, инсоният ҳам ўз томирига болта уришдан тўхтамапти.

матимиз сиёсатининг ўзига хос тараққиёт услубига айланган. Ушбу услубнинг муҳим жиҳати шундаки, шу вақтгача номлаиб келинган йиллар ва дастурлар зами-нида инсон ҳаёти, халқ турмуш даражаси-ни яхшилаш мезони асосий ўрин тутди. 2007 йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилиниши ҳам бошланган эзгу мақсадларнинг мантикий давоми сифатида янгради.

## СОҲАДА...

Ўтган 2006 йил алоқа ва ахборотлашти-риш соҳаси учун ҳам янгиланишлар ва ислохотлар йили бўлди. Соҳани доимий кузатиб бораётган журналист сифатида

фойдали ҳамкорликни янада кенгайтириш, иқтисодий, илмий-техникавий соҳаларда ҳамжиҳатликни мувофиқлаштириш, радио-спектрни бошқариш, ягона почта макони-ни ташкил этиш ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатлар ўрнатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, йиғилишда Халқа-ро электралоқа иттифоқи Бош котиби ва бошқа лавозимларга номзодлар ўз дас-турларини иштирақчиларга тақдим этди-лар. Айтиш лозимки, ноябр ойида Туркия-да ўтказилган Халқаро электралоқа итти-фоқи конференциясида ташкилотга янги раҳбарларни сайлашда айнан ушбу чи-қишлар муҳим рол ўйнади.

Тадбир доирасида Ўзбекистон алоқа

ажойиб тухфа тайёрлашди. Уларнинг саъй-ҳаракати билан мазкур шаҳарда етти та-моनावий электрон АТС ишга тушди.

## ГАЗЕТАМИЗДА...

"Xabar" газетасида кейинги йиллар, хусусан, 2006 йилда қандай ўзгаришлар рўй берганини доимий ўқувчиларимиз яхши билишади. Хар йили бирор аниглик қилишни аънаёнага айлантирган тахририя-тимиз ўтган йили газетани 16 саҳифада чоп этишни бошлаган эди. Унинг мавзу доираси кенгайиб, нафақат алоқачилар, балки бошқа соҳа вакиллари учун ҳам қизиқарли газетачага айланди. Янги йилда ўтган йили бошлаган ишларимизни давом эттириш, мавзулар доирасини кенгайти-риш, мазмун ва оммабоплигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратамиз. Кейинги йилларда алоқа соҳасининг ке-лажаги бўлган талабалар, умуман, соҳага бефарқ бўлмаган ёшларимизнинг газе-та-мизга қизиқиши ортиб бораётганигини ҳисобга олиб, уларнинг ҳаёти, қизиқиш-лари ва муаммоларига доир материаллар бериб боришга, ижодкор ёшлар қаламига мансуб мақолалар, бадий ва публицис-тик асарларни кенгрок ёритишга ҳаракат қиламиз.

Мамлакатимизда Интернетдан фойда-ланувчилар сони кун сайин ошиб бор-моқда. Шу билан бир қаторда веб-сайт-лар, виртуал оламнинг турли ахборот манбалари ҳажми ҳам кенгайиб борапти. Кўпчилик Интернет орқали ўзбекча сайт-ларни қидириб топишга ва ўзига керакли ахборотни олишга қийналади. Шунини ино-батга олган ҳолда "UzNET SHARHI" рунки остида Интернет ресурсларидаги муҳим ва қизиқарли мақолаларнинг анонсини бериб борамиз.

Фотосуратлар ҳам ахборот олишнинг бир шаклидир. Келгусида янги – "FOTOMUXBIR NIGONIDA" рунки орқали сараланган суратлардан баҳраманд бўла-сиз. Агар Сизда ҳам кўпчилик қизиқиши-га сазовор бўладиган фотосуратлар бўлса, марҳамат, газетамиз саҳифалари сизга мунтазир.

Яқиндагина Конституциямизнинг 14 йиллиги кенг нишонлангани, жорий йил-да Асосий қонуимизнинг 15 йиллиги тан-тана қилинади. Шу муносабат билан газе-та-мизнинг хар бир сониди Конституция-миз матнини моддама-модда бериб бо-ришни мақсад қилдик. Газетамизни тўплаб бординг ва ҳақ-ҳуқуқларимиз, эркинлиги-миз, бахтимиз кафолати бўлган – Конс-туциямизни ўрганинг. Хуллас, ижодий жамоа изланишда давом этмоқда ва янги-ликларимиз ҳам, режаларимиз ҳам би-сёр. Қўлингиздаги янги йил илк сонининг 5-саҳифасида ижодий жамоамиз вакил-лари ўзларининг 2007 йилги режалари билан ўртоқлашган. Ушбу саҳифа орқали Сиз янада кенгрок маълумотларга эга бўлишингиз мумкин.

Айтганча, Наврўз байрами арафасида "Xabar" газетаси ўзининг 15 йиллигини нишонлайди. Шу муносабат билан ўқув-чиларимизга қатор байрам тухфалари тай-ёрлаб қўйганмиз. Шулардан бири "Xabar"-нинг энг ашаддий мухлиси" ви-кторинасини ўтказишдир.

Азиз муштарийлар, газетамизнинг ушбу байрами Сизнинг ҳам байрамингиздир. Совгалардан бебаҳра қолмай десангиз, саҳифаларимизни эътибор билан кузатиб бординг.

Азизлар, ўтаётган хар бир йилда, хар бир ой, хар бир кунда аниқликка интилиб яшайлик. Шунда нафақат ўз ҳаёти-ми-знинг фаровонлашуви-га, балки ишонамиз, қолаверса, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшган бўламиз. Интилиш-лар, аниқликлар, ислохотлар эса ўз мева-сини бермасдан қолмайди.

**Лутфилло ТУСУНОВ,**  
«Xabar» газетасининг  
масъул котиби

# ИСЛОҲОТЛАР МЕВАСИ

Бундай шароитда тинчликнинг қадрига — етмаслик ношукрлик ҳисобланади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя ва инсонпарварлик та-моийллари, аҳоли турмуш даражасини ошириш, ёш авлодга эътибор, мулкка бўлган муносабатни шакллантириш — дав-латимиз сиёсатида юқори ўринларга кўта-рилаётганига ғувоҳ бўляпмиз. Иқтисоди-ётнинг асосий талаби бўлган меҳнатга яраша ҳақ олиш ўз изига тушиб бормоқда. Тадбиркорликка, мулкдор бўлишга кенг йўл очилляпти.

Тан олиш керак, ютуқлар осонликча қўлга киритилмагани йўқ. Кўзланган мақ-садларга эришиш йўлида турли тўсиқлар учраб турибди. Энг асосийси, етмиш йил давомида умуман бошқа — ҳаёлий "Утопи-я"га асосланган тузумда шаклланган ти-зимдан янги давлатчилик шаклига ўтиш... Бу — ҳуқуқшунос ёки муҳандиснинг кейин-чалик шифокорликка ўқи, ушбу касб сир-синоатларини чуқур эгаллашдек гап. Бу — давр талаб этган жараён.

Мамлакатимизда ҳам миллий шарт-шар-роитлар ҳисобга олинган ҳолда ривожла-нишнинг босқичма-босқич услуби — мус-тақил тараққиёт йўлини белгилаб берган беш тамойилдан иборат "Ўзбек модели" ишлаб чиқилган. Президентимиз Исро-м Каримов ташаббуси ва бошчилигида олиб борилаётган ушбу ислохотлар ўз самара-сини бераётганига бугун барчамиз ғувоҳ бўляпмиз. Ялпи ички маҳсулот ҳажми йил-дан-йилга ўсиб бормоқда, фермер хўжа-ликларининг ташкил этилиши ҳисобига қишлоқ хўжалигида меҳнат самарадорли-ги ошиб, давлатимиз ҳаётида муҳим ўрин тутувчи ғалла ва пахта бўйича йиллик шартномавий режалар ортиги билан адо этиляпти, мамлакат бўйлаб улкан бунёд-корлик ишлари — нафақат ёшларимиз, балки юрт келажагини белгилаб беради-ган ўқув масканлари, маданий-маърифий иншоотлар, спорт майдонлари қурилмоқ-да, йўллар, кўприклар фойдаланишга то-пишиляпти. Натижада эса жаҳон фан олим-пидаларидан ёшларимиз медаллар бил-лан қайтишмоқда, спортчиларимиз шара-фига байроғимиз кўтарилиб, мадҳиямиз янграяпти, маданиятимиз, санъатимиз барчани лол қолдирмоқда. Дунё бизни тан олмақда, биз дунёга ўзалигимизни на-моён этмоқдамиз. Фахр-ифтихор туйгу-ларини уйғотадиган бундай ютуқлар, ўзга-ришлар 2006 йилда янада ёрқинроқ кўзга ташланди. Хомийлар ва шифокорлар йили ҳам аввалгиларни сингари жамиятимиз ҳаётида муҳим из қолдирди.

Умуман олганда, хар бир йилга ном берилиб, шу асосда махсус давлат дасту-ри ишлаб чиқилиши ва йил давомида қатор долзарб вазифаларнинг бажарилиши ҳу-қу-



йилнинг энг муҳим воқеаларидан айрим-ларини санаб ўтсам.

**Электрон тизимга ўтишда муҳим қадам.** 2006 йилнинг март ойида Ўзбекис-тон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги қошида Электрон рақамли имзо қалитла-рини рўйхатга олиш марказларини рўйхат-га олиш органи ташкил этилди. Ушбу органининг ташкил этилиши соҳага доир қатор қонунлар ижросини таъминлаш бил-лан бирга давлат бошқаруви ва жамият-нинг электрон тизимга ўтишида муҳим босқич вазифасини ўтади.

**Ҳиндистон билан ҳамкорлик.** Апрель ойида Ҳиндистон Республикаси Бош вази-ри Манмохан Сингх Ўзбекистон Республи-касига расмий ташрифи доирасида Тош-кент ахборот технологиялари университети-га борди. Ҳиндистонлик олий мартабали меҳмон иштирокида ТАТУда Жаҳоҳарлаъ Неру номидаги Ўзбекистон-Ҳиндистон Ах-борот технологиялари марказининг очи-лиш маросими ўтказилди.

Ахборот технологиялари борасида қатта тажрибаларга эга Ҳиндистон билан ҳам-корликни мустаҳкамлаш соҳа тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

**Алоқа маъмуриятлари раҳбарлари Тошкентда.** 22-23 май кунлари пойтах-тимизда Алоқа соҳасидаги ҳудудий ҳамдўстлик (АСХ) Алоқа маъмуриятлари раҳбарлари кенгашининг 35-йиғилиши ва АСХХ қошидаги МДХга аъзо давлатлар-нинг ахборотлаштириш бўйича Мувофиқ-лаштирувчи кенгашининг 9-йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишларда ўндан ортиқ масалалар муҳокама этилиб, ўттиздан зиёд маъруза-лар тингланди. Хусусан, МДХ мамлакат-лари Алоқа маъмуриятлари ўртасида ўзаро

ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Россия Федерацияси алоқа ва ахборот технологиялари вазирлиги ўртасида ах-борот технологиялари, почта алоқаси ва электралоқа соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича битим имзолаш маросими ўтқа-зилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республи-каси ҳамда Россия Федерацияси алоқа маъмуриятлари ўртасида алоқа ва ахбо-рот технологиялари йўналишида ҳамкор-лик бўйича қўшма тадбирлар режаси тас-диқланди.

**Электрон кутубхона сари.** 2006 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикаси Пре-зидентининг "Республика аҳолисини ах-борот-кутубхона билан таъминлашни таш-кил этиш тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди. Ушбу қарор мамлакатимизда замонавий талабларга жавоб берадиган кутубхона тармоғини ташкил қилиш, ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маданий, маънавий-ахлоқий қадриятларини сақлаб қолишга йўналти-рилган янги ахборот марказларини барпо этиш, шу билан бирга, аҳолини янада кенгрок ва тизимли ахборот билан таъ-минлаш учун зарур шарт-шароитлар яра-тишга кенг йўл очиб берди.

**АКТ ҳафталиги.** 25-29 сентябр кунла-ри InfoCom-2006 ҳафталиги бўлиб ўтди. Биринчи Миллий АКТ кўргазмаси, АКТ бўйича 4-миллий саммит, ITRA-2006, ALPIT-2006 халқаро анжуманлари каби алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига оид йилнинг энг муҳим тадбирларини ўз ичига олган ҳафталик нафақат соҳа мутахассис-ларида, балки кенг жамоатчилик орасида ҳам қатта қизиқиш уйғотди.

**Тухфа.** Қақшадарёлик алоқачилар Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига



DUNYO BIR  
TUGMACHA-YU...

## ЯНГИ КОТИБ ИШ БОШЛАДИ



**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР  
ТАШКИЛОТИНИНГ** янги Бош котиби Пан Ги Мун ўз вазифасини бажаришга киришди. Шу муносабат билан жанубий корейлик дипломат БМТ биносидан илк матбуот анжумани ўтказди.

"Мен Дарфун, Якин Шарк, Ливан, Эрон, Ироқ, Шимолий Корея ва бошқа шу каби дунёнинг қайноқ нуқталарига халқаро ҳамжамият эътиборини жалб этиш билан ўз вазифамга киришаман, — деди у журналистларга берган интервьюсида. — Бугунги таҳликали замон биздан ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишни талаб этмоқда. Ҳеч бир давлат, ҳатто энг қудратли мамлакат ҳам ўз муаммоларини ёлғиз ҳал қила олмайди!"

У Ироқнинг собиқ раҳбари Саддам Хусайн устидан ижро этилган ҳукм бўйича журналистлар берган саволларга ҳам жавоб бериб, "Саддам Хусайннинг ўз халқига қарши олиб борган жинояткорона сиёсатини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак", — деди.

Шунингдек, у БМТ котибиятида амалга оширилажак ислохотлар, жаҳон афкор оммасининг ташкилотга нисбатан ишончини ошириш борасидаги режаларига тўхталди.

Шундан сўнг Бош котиб БМТ котибиятининг ходимлари билан учрашди. Видеокўприк ёрдамида ташкилотнинг барча ходимлари учрашув иштирокчисига айланди.

## САДДАМНИНГ ТАРАФДОРЛАРИ НОРОЗИ



**ИРОҚНИНГ** собиқ президенти Саддам Хусайннинг қатл этилиши жараёни устидан текширув бошланди.

Ироқ ҳукумати маълум қилишча, ҳукм ижросининг сўнгги дақиқаларида Саддамнинг кимдир ҳақорат қилган, яна кимдир мобил телефони камераси орқали суратга олган. Саддам тарафдорлари бунга маҳкумни таҳқирлаш, дея баҳолашмоқда. Видеобюзувлар шу куннинг ўзида Интернет сайтлари орқали эълон қилинди ва бу суннийларнинг норозилигини янада ошириб юборди.

Норозилик йиғинлари Ироқдан ташқари Иордания, Уммон, Покистон, Фаластин ва Ҳиндистоннинг Кашмир вилоятида ҳам бўлиб ўтати.


## ҲИНДИСТОНДА ҚАҲРАТОН ҚИШ



**БУ ЙИЛГИ** қиш мавсуми ҳиндистонликларни жиддий синовдан ўтказмоқда.

Айниқса, мамлакатнинг шимолий ҳудудларида сўнгги юз йил ичида кўрилмаган об-ҳаво ҳукм сурмоқда. Бу ҳудудларда ҳаво ҳарорати минус беш даражани ташкил этмоқда. Бундай об-ҳаводан кўплаб аҳоли азият чекмоқда. Ҳатто Уттар-Прадеш штатида 23 киши совуқдан ҳалок бўлганлиги хабар қилинган.

## ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ЯНА КЕНГАЙДИ



**ЕВРОПА ИТТИФОҚИ** ўз сафига яна икки мамлакатни қўшиб олди.

Болгария ва Руминия Янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб мазкур нуфузли иттифокнинг тўлақонли аъзосига айланди. Шу муносабат билан ҳар икки мамлакатда катта тантаналар бўлиб ўтди. Тантаналарда ЕИнинг бир неча етакчилари, хусусан, Еврокомиссия раиси Жозе Мануэл Баррозу ҳам иштирок этди.

Интернет материаллари асосида  
Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

Якунланган йилда Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига 15 йил тўтди. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан мазкур санага бағишлаб махсус почта маркаси муомалага чиқарилади.

Яқинда пойтахтимиздаги "Тошкент почта" филиали биносидан ушбу марка ҳамда хотира тамғасининг тақдимот маросими тантанали равишда ўтказилди. Маросимда Хитой Халқ Республикасининг Фавкулда ва Мухтор элчиси жаноб Юй Хунцзюн ва элчихонанинг бошқа расмий вакиллари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари Асаджон Хўжаев, шунингдек, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ "Ўзбекистон маркаси" филиали раҳбарлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъдбири "Тошкент почта" филиали директори Юсуф Мирсоатов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг сўзга чиққан



OLUVCHI INFOSKOP MANZILLI



## МАРКАЛАР — ДЎСТЛИК РАМЗИ

XXРнинг мамлакатимиздаги элчиси жаноб Юй Хунцзюн йиғилганлари ва улар орқали халқимизни Қурбон ҳайити ҳамда Янги йил билан табриклади. Республикамиз мустақиллигини Хитой давлати биринчилардан бўлиб тан олганлигини, ўтган давр мобайнида жуда кўплаб жабҳаларда, айниқса, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида икки томонлама ҳамкорлик мубоффақиятли олиб борилаётганлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида ҳам давлатларимиз қарашлари ҳамонан эканлиги борасида тўхталиб, ўзаро дипломатик алоқаларимизнинг 15 йиллигига бағишлаб чиқарилган янги почта маркалари мамлакатларимиз ўртасидаги

дўстликнинг яна бир рамзи бўлиб қолишни таъкидлади.

Айтиш мумкинки, дизайнер У.Юсуфалиев томонидан ўзгача маҳорат билан ишланган янги почта маркасида диёримизнинг гўзал ва қадимий шаҳри Самарқанддаги Шердор мадрасаси ҳамда Хитойнинг Буюк девори лавҳалари икки мамлакатнинг миллий байроқлари билан уйғунлиқда акс эттирилган ва "O'ZBEKISTON VA XITOI DIPLOMATIK ALOQALARIGA 15 YIL" сўзлари битилган. Мазкур санага бағишланган махсус хотира тамғасига ҳам икки давлат байроқлари акси туширилиб, "O'ZBEKISTON VA XITOI DIPLOMATIK ALOQALARIGA 15 YIL" сўзлари ёзилган.

Ўз мухбиримиз

## QUTLOVLAR

**Туроб УСМОНОВ,**  
меҳнат фахрийси:

— Ёшим тўқсон учда. Эллик йил алоқа соҳасида меҳнат қилдим. Ҳаётнинг қувонч ва ташвишларини кўрдим. Урушда қатнашдим.

Ўтган умрим давомида фақат яхшилиқ қилиш керак, деган ҳулосага келдим.

Севимли газетамиз орқали Сиз, азизларга мустаҳкам соғлиқ, хонадонингизга тинчлик тилайман. Янги йилингиз муборак бўлсин!

**Ҳурматли устозлар!**

Азиз тенгдошлар!

Алоқа соҳасида

хизмат қилаётган ота-оналар, ака-опалар, дўстлар!

Янги йилингиз муборак бўлсин! Барча ниятларингиз, орзуларингиз амалга ошин!

Мустақил Ўзбекистонимиз ривожига қўшаётган ҳиссангиз янада ортсин!

Ватанимиз фаровонлиги йўлида қилаётган барча эзгу ишларингиз рўёбга чиқсин!

ТАТУ "Ахборот"  
клуби аъзолари

## Танлов якунланди

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2005 йил 28 декабрдаги "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги энг яхши ихтиро ва рационализаторлик тақлифлари бўйича танлов ўтказиш тўғрисида"ги буйруғига мувофиқ, 2006 йили "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги энг яхши ихтиро ва рационализаторлик тақлифи" республика танлови ўтказилиб, Агентлик Бош директори А.Арипов раислигидаги танлов комиссияси қўлибларни аниқлади. Комиссиянинг 2006 йил 18 декабрдаги йиғилиши қарорига ва Агентлигининг 2006 йил 29 декабрдаги 410-сонли буйруғига мувофиқ:

**1. Битта биринчи ўринга** 600 минг сўм миқдордаги пул мукофоти — «Кабел қудуқлари қопқоқларини такомиллаштириш» рационализаторлик тақлифига;

**2. Куйидаги иккита иккинчи ўриннинг ҳар бирига** 500 минг сўмдан:

— «8 ва 16 абонентли "ALLB S-12 Alcatel" абонент платаси ҳолатини назорат қилиш тизими» рационализаторлик тақлифига;

— «СОКС-2006» кабел алоқа тармоғини муҳофаза қилиш тизими» рационализаторлик тақлифига;

**3. Куйидаги учта учинчи ўриннинг ҳар бирига** 400 минг сўмдан:

— «Электр энергияси ўчирилганда телефон линияси учун КСПП 1х4 ИКМ-15 кабелини қўллаш» рационализаторлик тақлифига;

— «Қишлоқ телефон станцияларида халқаро, шаҳарлараро сўзлашувлардан тушган даромадларни назорат қилиш дастури» рационализаторлик тақлифига;

— «Яримузатгичли электр генератори» рационализаторлик тақлифи (Бирламчи патент №5431, 25.09.1998 йил. Яг).

Шунингдек, **махсус рағбатлантириш мукофоти** (200 минг сўм) «BTESA» фирмасининг FM узатгичлари учун саноатдаги радиоҳалокатларни бартараф этиш қурилмаси» рационализаторлик тақлифига берилди.

Танловда рационализаторлик тақлифлари билан қатнашган барча муаллифлар ўзлари ишлаётган корхоналар томонидан тақдирланиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти танлов қўлибларини табриклайди ва улардан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантиришга қаратилган янги рационализаторлик тақлифларини қутиб қолади.


Зулайхо ОРТИҚОВА,  
Ўзбекистон радиотехника,  
электроника ва алоқа  
илмий-техника жамияти раиси ўринбосари

# БУҒДОЙ СЌЗИМИЗ — СИЗГА!

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ,  
Бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарувчи:

Эзу ниятлар ила янги йилнинг дастлабки иш кунларини ҳам бошлаб юбордик. Табиийки, янги йилда ҳар биримиз янги режалар тузиб, уни амалга оширишга чоғланамиз. Зеро, ахли донишлар ҳам бежизга "Режасиз иш — қолип-сиз гишт" демаганлар.

Ижтимоий ҳимоя йилида журналист сифатида мен кўпроқ ижтимоий-ҳуқуқий мавзудаги мақолалар ёзмоқчиман. Бу борада ҳуқуқшунослар, республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раҳбар-мутахассислари билан иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, мана шу икки томоннинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари ҳақида суҳбатлар, интервьюлар, телефон орқали бевосита мулоқотлар уюштиришни режалаштиряпман. Шунингдек, истеъмолчиларга сифатли алоқа хизмати кўрсатишга тўсиқ бўлаётган, давлатимизга каттадан-катта моддий зарар етказётган кабел ўғирларининг



қилмишлари ҳақида, уяли алоқа телефонлари савдоси билан ноқонуний равишда шугулланаётган сохта тадбиркорлар тўғрисида таҳлилий материаллар ёзиш ҳаракатидаман.

Амалдаги йилда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида узоқ йиллар меҳнат қилиб келаётган, хизмати ва иш тажрибаси орқали жамоада ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган алоқачилар тўғрисида, уларнинг қувонч ва


ташвишлари ҳақида ёзишни дилимга тугиб қўйдим. Алоқачиларнинг фарзандлари учун эса "Фарзандингизга ўқиб беринг" деб номланган руҳи остида ибратли ҳикоялар, шеърлар, эртаклар, қизиқарли савол-жавобларни ўз ичига олган материаллар тайёрлаш ниятидаман.

Мустақиллик йилларида республикада ахборот-коммуникация технологияларида ихтисослашган кўплаб касб-ҳунар коллежлари очилди ва бу борадаги ишлар ҳозир ҳам жадал олиб борилаётир. Ана шу билим даргоҳларининг илғор тажрибалари, жонқур ўқитувчи-мураббийлари фаолияти ва фаол ўқувчи-ёшлари ҳақида ҳикоя қилувчи мақолаларни газетхонларга тақдим этмоқчиман.

Ушбу йилда яна бир қатор қизиқарли мавзуларга қўл уриш ниятим бор. Аммо бу ҳозирча сир бўлиб қолсин...

Хуллас, биз — "Хабар"чилар, бугдой сўзимиз орқали қалбингизга нур, ёруғлик олиб киришни мақсад қилганмиз.

Усмонжон  
ЙЎЛДОШЕВ,  
катта муҳбир:



Ассалому алайкум, азиз муштарий! Мана, бир йил давомида "Хабар" орқали бир-биримиз билан дийдорлашиб, 2006 йилни ҳам ортда қолдирдик. Янги — 2007 йилни яна биргалашиб кутиб олдик.

Ким бўлишдан қатъи назар, ҳар бир инсон янги йилга янги режалар, янги орзу-умидлар билан қадам қўяди. Бу ўтган йилдан янги йилнинг фарқи қилиши, янада қизиқарли ва файзли ўтиши учун керак. Зеро, янгиликларсиз, янгиликларга интилишсиз ҳаёт зерикарли бўлиб қолади. Шу сабаб, мен ҳам жорий йилда Сизларга янгича гоёлар, янгича услублар ила йўғрилган мақолаларни тортиқ қилишни ният қилиб қўйдим. Аввало, Ижтимоий ҳимоя йилида ижтимоий-ҳуқуқий мавзуларни қаламга олишни режалаштирдим. Мақсадим — йил давомида жамиятимизнинг ажралмас бир бўлаги бўлган алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимларининг, яъни, сиз азизларнинг ижтимоий ҳаётингиз, қувончу ташвишларингиз, орзу-армонларингиз, ютуқ ва муаммоларингизни саҳифаларимизда баҳоли қудрат ёритиш.

Хабарингиз бор, саҳифаларимизда "Назм гулшани", "Шеър айтгим келди..." каби рунлар остида ижодкор алоқачилар, талаба-ёшлар шеърларидан бериб борамиз. Ижодий ишларни саралаб чоп этишга тайёрлайдиган ходим сифатида айтишим мумкинки, натижа чакки эмас, Маҳфуза Йўлдошева, Зубайдулла Иброҳимов, Маҳмуджон Имомқориев, Элдор Акрамов, Иброҳимжон Аҳмедов сингари алоқачи ижодкорларни кашф этдик. Аммо орангизда нафақат шеър, балки ҳикоя, қисса, ҳажвия-ю масаллар ёзадиганлар талайгина. Шунинг учун бу йилда шеърятга, умуман, ижодга ошно тугинганларни янада кўпроқ газетага жалб қилиш ниятим бор. Шунингдек, таниқли шоир ва ёзувчилар, санъат арбоблари билан эксклюзив суҳбатлар уюштириш ҳам жорий йилги режамдан ўрин олган.

Ўтган йили бир гоёни ўйлаб қўйган эдим. Менимча, уни амалга ошириш вақти етди. Ичингизни қизитмай айта қолай. Гап "Омонмисиз, қадрдоним?" деб номланган рунки ташкил этиш ҳақида борапти. Сиз ушбу рун орқали бир вақтлар бирга ўқиган ёки ишлаган, аммо тақдир тақдоси билан анчадан буён учрашолмай, хабарлашолмай юрган қадрдон ва соғинган кишингиз билан "Хабар" орқали дийдорлашиб бахтига мушарраф бўласиз. Бунинг учун Сиз фақат ўша инсон билан ўтказган дамларингизни хотирлаб, қоғозга туширсангиз ва тахририятимизга юбурсангиз кифоя...

Хуллас, режалар кўп, уларни амалга ошириш қолди, холос. Бирок айтиб қўйиб, бу борада биз Сизнинг ёрдамингизга таянамиз, албатта. Сиз ҳам фаол бўлсангиз, чоп этилаётган мақолаларга беътибор бўлмасангиз, кўзлаган мақсадимизга эришамиз деб айта оламан.

Барчангизни Янги йил билан муборакбод этаман, "Хабар" орқали хабарлашиб турайлик, азизлар!


Собит АҲАДОВ, муҳбир:

Янги йилни янги режалар билан бошлаш ҳам мароқли, ҳам масъулиятли. Мароқли томони — ҳаётингизда қандайдир янги саҳифалар очилади, ўзингиз учун илгари маълум бўлмаган янгиликларни кашф этгандек бўласиз. Энг асосийси, изланишларингиз самара бериб, кимларгадир фойда-нафи тегса, шунинг ўзи катта бахт. Масъулиятли жиҳати — қўзланган мақсаднинг қай даражада ууддаланишида, берилган ваъданинг устидан чиқилишида. Доимгидек, янги йил учун режалар тузишда шу каби фикрлар ҳаёлимдан ўтди.

2007 йилда аънаага содиқ қолган ҳолда "JAHON ROCHTASI" рунки остида туржум мақолаларни тайёрлашда давом этаман. Энди жаҳоннинг фақат миллий почта компаниялари эмас, балки илғор хусусий почта операторлари, улар томонидан қўллангиланган технологиялар, почта алоқаси соҳасида йўлга қўйилаётган янги хизмат турлари ҳақида ҳам ҳикоя қилинади. Шунинг баробарида, хорижнинг йирик АКТ компанияларида ҳамда алоқа оламида содир бўлаётган бошқа энг муҳим янгиликлар ҳам сизга етказиб борилади.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётганлар кўпчиликини ташкил этади. Бу соҳани кенгрок ёритсак, тадбиркорларнинг иш тажрибасини кўпроқ тарғиб қилсак, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

2007 йилда мен ёритмоқчи бўлган мавзулардан яна бири — ёшлар ва уларнинг муаммолари. Бугун катта ҳаёт оstonасида турган ёшлар унинг машаққатли синовларига ҳар томонлама тайёрийми? Кўп узоққа



бориб ўтирмайлик, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг бирор-бир йўналиши бўйича дипломни қўлга киритган собиқ талабаларнинг қанчаси иш билан таъминланмоқда? Уларнинг савияси бугунги кун талабларига жавоб берадими? Интернет ва шу каби замонавий ахборот тарқатиш воситалари орқали шиддатли суръатларда кириб келаётган ахборот оқимларининг ёшлар онги ва дунёқарашига таъсири қандай? Бу борада ҳам бахсли масалалар талайгина.

"Xabar"нинг Тошкент вилояти бўйича муҳбири сифатида ҳам қатор мақолалар тайёрлашни режалаштирганман. Жойлардаги алоқа корхоналарининг фаолияти, узоқ туманлардаги почтачилар ва телефончилар ҳаёти, уларнинг меҳнатва яшаш шароитлари билан сизларни янада яқиндан таништириш ниятидаман.

Аслиддин БЎРИЕВ, саҳифаловчи:

Шиддат билан ривожланиб бораётган компютер технологиялари газетачиликка ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмаяпти. Зеро, журналист томонидан тайёрланган ҳар қандай материалнинг газета саҳифасидан ўз ўрнини топиши, уни газетхонга қай тарзда етказиб беришда макет ва газета дизайни ўта муҳим ўрин тутди. Бу, албатта, саҳифаловчининг зиммасига катта масъулият юқлайди.

Халқимизда «Отанги онангга бепардоз кўрсатма» деган нақл бор.



Биз ҳам ҳар йили газетамиз кўринишини пардозлашга, дизайнида янгиликлар киритишга ҳаракат қиляпмиз. Келгусида ҳам Сизлар учун қатор янги гоёлар тайёрлаб қўйганмиз. Йил давомида бунга ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Шу боис ушбу йилда чоп этилаётган минглаб нашрлар орасида газетамизнинг ўз ўрни, сўзи ва киефасини топа билишида тинмай изланиб, ижодий ходимлар меҳнатини газета саҳифаларида мазмунли тарзда акс эттириш ниятидаман. Бунда сизнинг таклиф ва мулоҳазаларингизга таянаман.

# UZINFOCOM

Центр развития и внедрения компьютерных и информационных технологий UZINFOCOM 29 декабря 2006 года подвел итоги по следующим новогодним конкурсам:

- Лучший школьный веб-сайт;
- Лучший логотип для веб-сайта Национальной информационно-поисковой системы WWW.UZ;
- Самый активный участник форума UZINFOCOM;

- Лучшая идея по защите электронной почты от спама;

- Викторина от Службы реагирования на компьютерные инциденты (UZ-CERT).

29 декабря состоялась официальная церемония вручения наград победителям конкурсов, которым были торжественно вручены памятные подарки и призы, включая сканеры, DVD и CD-плееры, цифровой фотоаппарат, и суперприз – персональный компьютер.

На конкурс «Лучший школьный веб-сайт» были присланы 24 заявки из общеобразовательных школ, лицеев и колледжей Узбекистана. Сотрудникам Центра UZINFOCOM было довольно сложно принять решение, какие три информационных ресурса победят в конкурсе, так как необходимо было сохранить объективность, но в тоже время учесть, что участники конкурса не профессиональные дизайнеры и программисты, а ученики школ и других общеобразовательных учреждений.

По итогам общего голосования, проводивше-

## подвел итоги новогодних акций



гося среди всего коллектива Центра UZINFOCOM победителями стали:

1-место — Гимназия №1 г.Нукуса,

2-место — Общеобразовательная школа № 1 г.Термеза

3-место — Общеобразовательная школа №300 Сергелийского района г.Ташкента.

В конкурсе на «Лучший логотип для веб-сайта Национальной информационно-поисковой системы WWW.UZ» победителем стал Геннадий Юханов, чья работа была признана лучшей из более чем 160 присланных вариантов.

На форуме Центра UZINFOCOM

(www.forum.uzinfo.com.uz) в настоящее время зарегистрированы 190 участников, открыты 98 тем по различным направлениям ИКТ. В конкурсе на звание «Самый активный участник форума UZINFOCOM» победили Скляревский Евгений, Сардалашвили Артём, Фиоктистов Виталий, Абдуллаев Уткирбек, и участница форума под ником Dengiz.

На конкурс «Лучшая идея по защите электронной почты от спама» были присланы 9 идей и, хотя победителем должна была стать одна идея, по итогам рассмотрения работ Служба UZ-CERT решила дать первое место двум одинаково интересным идеям. И победителями конкурса, приславшими эти идеи стали Роберт Асильбеков и Марат Килькеев.

В течение 10 дней с начала викторины специалисты UZ-CERT ежедневно на сайте www.cert.uz размещали по 1 вопросу в сфере безопасности ИКТ и правильно ответил на все 10 вопросов Артём Сардалашвили.



### Новости в сфере ИКТ

#### Китай начинает строительство сетей связи третьего поколения (3G)

Китай готов начать строительство сетей связи третьего поколения (3G) в новейшем стандарте сотовой связи, разработанном местными научными учреждениями и производителями оборудования, — TD-SCDMA.

О поддержке нового стандарта сразу же объявили Siemens, Huawei, Philips, Samsung и другие крупные производители. Эксперты сходятся во мнении, что, если опыт внедрения технологии в Китае окажется успешным, то TD-SCDMA станет одним из доминирующих стандартов в будущем.

Новый стандарт третьего поколения TD-SCDMA готов к коммерческой эксплуатации. Об этом заявил президент телекоммуникационной компании ZTE Ин Имин. «Сети TD-SCDMA уже способны самостоятельно функционировать, теперь слово за правительством Китая и операторами», — подчеркнул он. В московском офисе ZTE сообщили, что технология должна заработать к пекинской Олимпиаде 2008 года. В столице Китая, Шанхае и еще нескольких городах уже развернуты опытные сети TD-SCDMA.

TD-SCDMA — один из трех стандартов сотовой связи третьего поколения (два других — UMTS и CDMA 2000), одобренных Международным союзом электросвязи (ITU). Он разрабатывался китайскими университетами и производителями оборудования под руководством министерства информатизации республики. Пропускная способность канала для одного абонента в сети составляет 1,5 Мбит/сек.

### ZiyoNET—анонс\*

#### Московские студенты в НГМК — на практику

СТУДЕНТЫ Московского государственного института стали и сплавов (технологического университета) прошли производственную практику на Навоийском горно-металлургическом комбинате.

Для молодых людей, которые выбрали для себя такое будущее, практика на НГМК просто неоценима. Они побывали в Навои, Зарафшане, Учкудуке, Зафарабаде, ознакомились с основными гидрометаллургическими способами переработки золото- и урансодержащих руд, в том числе с уникальными технологиями и объектами.

#### В Сурхандарьинской области создано 15 информационно-ресурсных центров

В СООТВЕТСТВИИ с постановлением Президента Ислама Каримова "Об организации информационно-библиотечного обеспечения населения республики" от 20 июня 2006 года в Сурхандарьинской области создано 15 информационно-ресурсных центров, подведомственных управлению народного образования.

#### «Марко Поло» о великих ученых

В ИТАЛЬЯНСКОМ журнале «Марко Поло» опубликована статья, посвященная Хорезмской академии Маъмуна, передает ИА «Жахон». Говоря о достижениях ученых Академии Маъмуна, журнал подчеркивает, что учеными были разработаны исправленные астрономические таблицы звезд и движения планет, создано новое астрономическое оборудование. «Используя его, Беруни предсказал и наблюдал лунное затмение в 1004 году».

#### В Ургенче, как в Шанхае

ДОЦЕНТ КАФЕДРЫ основ химических технологий Ургенчского государственного университета имени Аль-Хорезми Забибулла Бабаев только появился в аудитории, как его тут же окружили студенты и преподаватели. Кандидат технических наук месяц повышал квалификацию в Шанхайском университете и привез с собой соответствующий сертификат. Теперь ученый ведет занятия по новой технологии. Не просто читает лекции студентам, а регулярно использует проектор и демонстрирует цветные слайды и сюжеты, как это делают преподаватели вузов КНР.

#### Лучший учитель — школьный психолог

УРОКИ ПСИХОЛОГИИ как для старшеклассников, так и для учеников начальных классов в ташкентской школе № 178 — самое интересное занятие, где нет «двоек» или «троек», где отсутствуют неправильные ответы и каждый ребенок имеет право на собственное мнение. В нынешнем году Румира Мансурова стала победительницей республиканского конкурса «Лучший учитель года», получила главный приз — компьютер последнего поколения. Как отмечают коллеги Мансуровой, она неисправимый трудолюбивый. Работает с утра до ночи и с ночи до утра, и еще чуть-чуть. Ведет в школе уроки «Основы здорового поколения», в качестве школьного психолога проводит адаптацию шестилеток к учебе в первом классе, профориентацию девятиклассников.

\*Более подробную информацию можно получить на сайте информационно-образовательной сети ZiyoNET [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)

# Хабар +tv



## O'ZBEKISTON

Хўрматли телетомошабинлар! Профилактика муносабати билан душанба, 8 январ куни "O'zbekiston" телерадиоканали ўз курстатувларини соат 14.55 дан бошлайди.

14.55 Курсатувлар дастури.

15.00 "Ташхилнома".

15.45 "Ватанпарвар".

"Бозлар сийёраси":

16.45 "Эртақлар - яхшиликка етаклар".

17.00 "Азборот".

17.15 Олтин мерос.

17.25 "Юртим бўйбўй" дастури.

"Наманган тумани".

17.45 "Оҳанглар оғушида".

17.55 "Хаёт ва қонун".

18.10 "Яхшилар ёни" 1-қисм.

18.35 "Сардор". Телесериал. 1-қисм.

19.05 "Дил таронаси".

19.15 "Мозин ва банк хабарлари".

19.20 "Дунё иқлими".

19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.

19.30 "Азборот" (рус тилида).

20.05 "ТВ шифокор".

20.10 "Оила ришталари".

Телесериал премьераси.

20.50 "Дунё иқлими".

21.00 "Азборот".

21.40 "Янги оҳанглар".

22.00 "Хаёт гуза". Телесериал премьераси.

23.05 "Қўшиқчилар, муҳаббат" (SMS). Овоз бериш.

23.15 "Олам ва олам" дастури: "Мовий уммон қарнаи".

23.40-23.45 Тунги наволар.

## YOSHILAR

17.55 Дастур очилиши.

18.00 Давр мавзуси.

18.15 Хазина.

18.30 Янги наволар.

18.45 UzEX.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 ДАВР.

19.30 "Севишганлар". Сериал.

20.10 UzEX.

20.15 Тасвир ва таассурот.

20.35 Наво-SMS.

20.55 Эълонлар.

21.10 "Муҳаббат даралари". Сериал.

22.00 ДАВР.

22.30 Янги наволар.

22.45 "Саломея". Сериал.

23.40 - 23.45 Тафаккур нури.

## TOSHKENT

17.50 Курсатувлар тартиби.

17.55 Мультифилм "Леополдинг саргузаштлари".

18.05 "Телекурьер - маркет".

18.30 "Пойтахт" ахборот дастури.

18.50 "Гавдалузе". Телесериал.

19.30 "Мушқа SMS".

19.50 "Саломат бўлинг" /рус/.

"Пойтахт" ахборот дастури.

20.20 "Жаҳон футбол юлдузлари". Данил Бекхэм. Х/ф /рус/.

20.50 "Интервью" /рус/.

21.00 "Жоhiba".

## ДУШАНБА — 8 ЯНВАР

### SPORT

7.00 "Бараам бўлинг".

8.00 "Версия".

8.30 "Бозлар спорт".

8.50 Мультифилм.

9.00 "Галкун".

9.30 "Буратино саргузаштлари".

Бозлар учун филм. 1-қисм.

10.25 "Хамма уйлағида".

11.25 "Аралаш".

12.00 "Хабарлар".

12.10-12.30 АВТОграф.

18.00 "Шарк яккакуррашлари фестивали".

18.30 "Хабарлар" (рус тилида).

18.50 "Ким нимага қодир".

19.10 Ўзбек спортининг юлдузлари онлари. Доха-2006.

19.40 "Спортнинг маликалари".

20.00 "Вести".

20.20 "Тет-а-тет".

20.35 "Гурур". Сериал.

21.30 "Хабарлар" (узб. тилида).

21.50 "Мистер Бин".

22.10 "Барбара Брыльсканинг тақдир ҳизли".

23.10 ПРОФРИНГ.

00.00 "Туннинг озуға бўлиши".

### БИРИНЧИ

06.00, 10.00, 12.00, 03.00. Новости.

06.10 Х/ф "Чузо на 34-й улице".

08.00 "Армейский магазин".

08.30 М/с: "Дональда Дак представляет". "Ведьма".

09.20 Фигурное катание. Чемпионат России.

10.10 "Непутевые заметки".

10.30 "Пока все дома".

11.30 "Ералаш". Лучшее.

12.10 "Выжить в ступини Урагани".

13.10 Концерт к Дню МЧС.

14.20 "Затяте горы". Диди Руслановой.

15.20 "Смех, да и только".

16.30 Х/ф "За злочицаи".

18.30 Х/ф "Пираты Карибского моря".

21.00 "Время".

21.15 Х/ф "За все тебя благодарю".

22.10 "Ирония судьбы Барбары Брыльской".

23.10 Ночные новости.

23.20 Д/ф "Витязь за космос".

00.20 Х/ф "Линдквист".

01.40, 03.05 Х/ф.

### РОССИЯ

05.55 Фильм-сказка "Ослиная шкура".

07.15 Мультифилм.

08.00 Х/ф "Осенний марафон".

09.35 Х/ф "Остров".

11.35 "Городок".

12.00 "Сам себе режиссер".

12.45 "Смехопанорама".

13.15 "Сто к одному".

14.00, 20.00 "Вести".

14.20 "Фитиль №114".

14.55 "Смехаться разрешается".

16.30 "Феноменальные двойняшки. Как наши покорили Евровидение".

17.00 Фэнтези "Властелин колеи: две крепости".

20.15 Фэнтези "Властелин колеи: Возвращение короля".

23.35 Комедия "Слушатель".

01.20 Х/ф "Интервью с вампиром".

### НТВ

05.45 Т/с "Государственная граница".

08.00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 "Сегодня".

08.15, 03.35 Х/ф "Конго".

10.20 "Друзья встречаются вновь".

12.05, 13.20, 16.20 Х/ф "Если наступит зима".

19.25 Х/ф "Лара Крофт - расхитительница гробниц 2: Колыбель жизни".

21.35 Комедия "В аэроplane девушки".

23.50 Х/ф "Даже не думай".

01.20 Х/ф "Никогда не говори никогда".

### КУЛЬТУРА

07.00 Канал "Евроньюс".

10.10 "Угрошение строптивых".

10.40 Х/ф "Сказание о земле Сибирской".

12.15 "У нас таланты много..." Б. Андерс.

13.00 Х/ф "Маленькая принцесса".

14.30 Д/ф "Сад богов".

15.25 Концерт Кубанского казачьего хора.

16.20 М/ф "Каштанка".

16.55 Спектакль "Счастливей-не-счастливей".

18.55 "Вокруг смеха. Нон-стоп".

19.35 Х/ф "Монолог".

21.20 Новогодний концерт Венского филармонического оркестра-2007.

23.50 Х/ф "Убить Фрейда".

01.40 Д/ф "Сад богов".

02.35 М/ф "Очень синия борода".

### СТС

08.00, 09.50 Мультифилм.

08.30 Х/ф "Каменный цветок".

10.00 Мультифилм.

12.30 Х/ф "На второй день Рождества".

14.20 Х/ф "Мама к Рождеству".

16.15 Х/ф "Бази".

18.30 Т/с "Моя прекрасная няня".

19.05 Х/ф "Городской охотник".

21.05 Х/ф "Красотка и замарашка".

23.00 Х/ф "Поменяться местами".

01.20 Х/ф "Широко шагая".

02.50 Х/ф "Слова излучины".

04.30 Х/ф "Ничего общего".

### ТВ3

08.00 Победоносный голос.

08.30 Х/ф "Нэнси Дрю".

10.30 Комната смеха.

11.00 Х/ф "Смертельные видения".

13.00 Х/ф "Шахтерская история".

15.00 Т/с "Скетч-шоу".

15.30 Т/с "Комната смеха".

16.00 Х/ф "Тром в штанах".

18.00 Х/ф "Безумный шквал".

20.30 Киномания.

21.00 Х/ф "Четыре пера".

23.30 Х/ф "Обыкновенное чудо".

01.00 Т/с "Клиент всегда мертв".

02.00 Х/ф "Кикбоксер 5: Возмездие".

### ДТВ

9.00 Музыка на ДТВ.

9.05 "Чемпионат анекдотов".

9.55 Тысяча мелочей.

10.25 Мультифилм.

12.15 Х/ф "ПУТЕШЕСТВИЕ К ЦЕНТРУ ЗЕМЛИ".

14.25 "Как ухотили кумыры".

15.30 Шоу-шоу "Я выжил".

16.25 "Шоу российских рекордов".

17.30 Самое невероятное видео.

18.30 Самое смешное видео.

19.00 "Смешная реклама".

19.30 "Этот безумный мир".

19.55 "Территория призраков".

21.00 "Фабрика смеха".

22.00 Х/ф "БОЛЬШЕ, ЧЕМ ЖИЗНЬ".

0.00 "С.С.1. МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ ЛАС-ВЕГАС".

2.00 Шоу рекордов Гиннеса.

3.00 "СЛЕДСТВИЕ ВЕДЕТ ДА БИРНИЧ".

### TNT

07.00, 11.30, 12.30 Мультифилм.

07.25 Т/с.

08.15, 13.25 Мультифилм.

15.30 Боевик "Самрайт".

17.00, 21.00, 00.55, 01.25 Дом 2.

18.00 Комедия "Счастливы вместе".

19.00 Такси.

19.30 Т/с "Саша+Маша".

20.00 Звезды против караток.

22.00 "Комеди Клуб на Пафосе".

23.00 "Наша Россия".

23.30 "Женская лига".

00.00 Детектив.

02.55 Боевик "Самрайт".

## O'ZBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"  
8.00-8.35 "Ахборот".  
8.40 Оттин мерос.  
Кичик таштл кунларида:  
8.35 "Менга миллион кифоя".  
Бадий фильм.  
10.25 ТВ анион.  
10.30 "Остона тиллодан".  
10.50 "Матия ва банк хабарлари".  
10.55 "Дунё иқлими".  
11.00 "Ахборот".  
11.15 ТВ шифкор.  
11.20 "Оила ришталари".  
Теле serial.  
11.55 Дил таронаси.  
12.00 "Ахборот" (инглиз тилида)  
12.15 "Юнонча тўй". Башир фильм.  
13.45 Оттин мерос.  
13.55 "Дунё иқлими".  
14.00 "Ахборот".  
14.20 "Отам ва одам" дастури.  
"Жиловланган Африка".  
Хужахати фильм.  
15.10 "Дил таронаси".  
15.20 "Завокат".  
16.20 "Аёл ва жинин".  
"Бозлар сипераси".  
16.40 "Эртаклар - яхшиликка етклар".  
17.00 "Ахборот".  
17.15 Эски альбом.  
17.20 ИИВ хабарлари.  
17.35 "Эркин истефолет".  
17.55 "Одинлар оушуда".  
18.10 "Яхшилар еди". 2-кисм.  
18.30 "Сарадор". Теле serial. 2-кисм.  
19.15 "Сизнинг адвокатингиз".  
19.20 "Дунё иқлими".  
19.25, 19.55, 20.55, 21.30  
Экранлар.  
19.30 "Ахборот" (рус тилида)  
20.05 ТВ шифкор.  
20.10 "Оила ришталари".  
Теле serial.  
20.50 "Дунё иқлими".  
21.00 "Ахборот".  
21.40 "Муҳаббат қадимжолар".  
22.00 "Халат гулат". Теле serial.  
23.05 "Қўшигинман, муҳаббат" (SMS, 050 бериш).  
23.15 "Отам ва одам" дастури.  
Моний уммон қиринда.  
23.40-23.45 Тунги навалар.

## YOSHILAR

5.55 Дастур очилиши.  
6.00 ЯНГИ ТОНГ.  
8.00 "Севинганлар". Serial.  
8.35 Ватани!  
8.40 Юлдуз.  
9.00 Давринг болан.  
9.15 Биз табиати севаиди.  
9.30 Бозлар табасуми.  
9.35 Эврика.  
9.50 Бозлар шеърини.  
10.00 Давр.  
10.15, 16.15 Тафаккур нури.  
10.20 "Муҳаббат қадимжолар".  
11.00 "Ақиб оқимон-1".  
12.00 ЯНГИ КҮН.  
13.00 Давр.  
13.15 Бурч ва шараф.  
13.20 Харбийлар куйтаганда.  
13.30 Тасвир ва таассурот.  
13.50 "Муҳаббат даралари".  
Serial.  
14.30 Интерфутбол.  
16.00 Давр.  
16.20 Эшлук навалари.  
16.30 Таштл туҳфаси: "Кай ва Герла". 1-кисм.  
18.00 Алломи автолар.  
18.10 Давр-репортаж.  
победитель прошлой недели.  
13.00 Мировые хиты  
15.00 Телениня  
15.45 Мировые хиты  
17.30 Микст-концерт  
18.00 Премьера (рус.)  
19.00 Премьера (рус.)  
19.20 Сернал «ВОЗВРАЩЕНИЕ  
БУДУЛАЙ»  
20.10 Мировые хиты  
21.00 «Очила дастурон»  
22.00 Комедия по повелениям  
«12 СТУЛЬЕВ»  
00.30 Миксер

## Сешанба

07.00 Марказ NEWS (y36.)  
07.10.08.20.13.30.16.30.18.20.30.21.20  
Узбек навалари  
08.00 Марказ NEWS (рус.)  
08.10 Мировые хиты  
09.00 Сернал «ВОЗВРАЩЕНИЕ  
БУДУЛАЙ»  
09.50 Мировые хиты  
10.00 «Премьера» (y36.)  
10.20 Худ. фильм «12 СТУЛЬЕВ»  
13.10 Мировые хиты  
13.30 Марказ NEWS (y36.)  
14.30 Марказ NEWS (рус.)  
14.40 Мировые хиты  
15.00 Телениня  
15.45 Мировые хиты  
16.00 «Специпортж»  
17.00 «Топ-20»  
17.45 Мировые хиты  
18.00 Марказ NEWS (y36.)  
18.40 Мировые хиты

## Душанба

07.00 Хоккей. Чемпионат России.  
«Металлург» - «Металлург»  
09.00 Хоккей. Чемпионат России.  
«Свердлов» - «Салават Юлаев»  
11.00, 15.00, 18.35, 22.45, 02.20  
«Вести-спорт»  
11.15 Дюмо. ЧЕ в абсолютной  
весовой категории.  
12.30 Футб. Бонра.  
14.05 Автопорт. «Дакар-2007»  
15.10 «Вести-спорт. Местное время»  
15.20 «Из коллекции телеканала  
«Спорт». Футбол. Лига чемпионов  
1998-1999. Финал. «Манчестер  
Юнайтед» - «Бавария»  
17.25 Спортивные танцы. Кубок  
«Спиртака»  
18.50, 22.55 Битлз. Кубок мира.  
23.55 Баскетбол один на один. Битва  
за корону»  
00.25 Футбол. Церемония вручения  
международных футбольных  
премий.  
02.35 Автопорт. «Дакар-2007»  
03.25 «Из коллекции телеканала  
«Спорт». Футбол. Лига чемпионов  
1998-1999. Финал. «Манчестер  
Юнайтед» - «Бавария»  
05.35 Спортивные танцы. Кубок  
«Спиртака»

## Сешанба

06.55 Хоккей. Чемпионат России. «Ак  
Барс» - «Локомотив»  
09.00 «Вести-спорт»  
09.10 Футбол. Церемония вручения  
международных футбольных  
премий.  
11.00, 15.00, 18.40, 22.50, 02.05 «Вести-  
спорт»  
11.15 «Самый сильный человек». Этап  
Кубка мира-2006.  
12.30 Футб. Бонра.  
14.05 Автопорт. «Дакар-2007»  
15.15 Баскетбол. Евролига. ЦСКА -  
«Пю Огес»  
17.15 Баскетбол один на один. Битва  
за корону»

19.00 Марказ NEWS (рус.)  
19.10 Сернал «ВОЗВРАЩЕНИЕ  
БУДУЛАЙ»  
(дисконтентная серия)  
20.00 Мировые хиты  
21.00 «Великолепная семёрка»  
21.30 Мировые хиты  
22.00 Худ. фильм «ПЕРЕВОДЧИЦА»  
00.30 Миксер

## Чоршанба

07.00 Марказ NEWS (y36.)  
07.10.10.00.13.40.16.30.  
18.10.20.15 Узбек навалари  
07.40 «Премьера» (рус.)  
08.00 Марказ NEWS (рус.)  
08.10 Микст-концерт  
09.00 Сернал «ВОЗВРАЩЕНИЕ  
БУДУЛАЙ»  
(дисконтентная серия)  
09.50 Мировые хиты  
10.45 Мировые хиты  
11.00 Худ. фильм «ПЕРЕВОДЧИЦА»  
13.30 Марказ NEWS (y36.)  
14.30 Марказ NEWS (рус.)  
14.40 Мировые хиты  
15.00 Телениня  
15.45 Мировые хиты  
17.30 Култи маркази  
17.45 Мировые хиты  
18.00 Марказ NEWS (y36.)  
18.00 Марказ NEWS (рус.)  
19.10 Сернал «ОХОТА НА  
АСФАЛТЕ»  
20.00 Мировые хиты  
21.00 «Миссия непотвирима»  
21.30 Мировые хиты  
22.00 Киноколлекция. «Буч  
КЭССИДИ И САНДЕНС КИД»  
Худ. фильм  
00.00 Миксер

## Пайшанба

07.00 Марказ NEWS (y36.)  
07.10.08.10.12.30.13.40.  
16.20.15.10.21.30 Узбек навалари  
08.00 Марказ NEWS (рус.)  
09.00 Сернал «ОХОТА НА  
АСФАЛТЕ»

09.50 Мировые хиты  
10.00 Худ. фильм «БУЧ КЭССИ-  
ДИ И САНДЕНС КИД»  
12.00 Мировые хиты  
13.30 Марказ NEWS (y36.)  
14.30 Марказ NEWS (рус.)  
14.40 Мировые хиты  
15.00 Телениня  
15.45 Мировые хиты  
16.00 Очила дастурон  
17.00 «Великолепная семёрка»  
17.30 Мировые хиты  
18.00 Марказ NEWS (y36.)  
19.00 Марказ NEWS (рус.)  
19.10 Сернал «ОХОТА НА  
АСФАЛТЕ»  
20.00 «Специпортж»  
20.20 Мировые хиты  
20.30 «Премьера» (y36.)  
20.50 Мировые хиты  
21.00 «Юлаули пайшанба»  
22.00 Худ. фильм «ПАРК  
ЮРКОГО ПЕРИОДА-2»  
00.30 Миксер

## Жума

07.00 Марказ NEWS (y36.)  
07.10.10.00.13.40.14.40.  
16.15.18.10.20.45.21.20 Узбек  
навалари  
08.00 Марказ NEWS (рус.)  
08.10 «Топ-20»  
09.00 Сернал «ОХОТА НА  
АСФАЛТЕ»  
09.50 Мировые хиты  
10.00 Худ. фильм «ПАРК  
ЮРКОГО ПЕРИОДА-2»  
13.30 Марказ NEWS (y36.)  
14.30 Марказ NEWS (рус.)  
15.00 Телениня  
15.45 Мировые хиты  
17.00 «Миссия непотвирима»  
17.30 Мировые хиты  
18.00 Марказ NEWS (y36.)  
19.00 Марказ NEWS (рус.)  
19.10 Сернал «ОХОТА НА  
АСФАЛТЕ»  
20.00 «Сумас орузлар»  
21.00 «Премьера» (рус.)

22.00 Худ. фильм «ПАРК  
ЮРКОГО ПЕРИОДА-3»  
00.00 Миксер

## Шанба

07.00 Марказ NEWS (y36.)  
07.15.13.30.14.20.20.40 Узбек навалари  
08.00 Марказ NEWS (рус.)  
08.15 Мировые хиты  
09.00 Култи маркази  
09.15 Концерт «Король танца»  
10.00 Култи маркази  
11.00 Худ. фильм «ПАРК  
ЮРКОГО ПЕРИОДА-3»  
13.00 Мировые хиты  
14.00 «Премьера» (y36.)  
15.00 Телениня  
16.20 Мировые хиты  
17.00 Топ-20 (байрам сони)  
18.00 «Юлаули пайшанба»  
Обид Асмом хонадонид  
20.10 Ало - Марказ  
21.00 MaTV-a-award 2006  
22.00 Кино «РОДСТВО  
НЕУДАЧНИКОВ»  
С НЕУДАЧНИКАМИ

## Якшанба

07.00 Марказ NEWS (y36.)  
07.15 Култи маркази  
07.30.09.00.14.00.17.00 Узбек навалари  
08.00 Марказ NEWS (рус.)  
08.15 Мировые хиты  
08.30 «Специпортж»  
10.15 «Сумас орузлар»  
11.00 Кино «РОДСТВО С  
НЕУДАЧНИКАМИ»  
Миссия непотвирима»  
13.30 «Очила дастурон»  
15.00 Телениня  
16.20 Мировые хиты  
16.30 Премьера (рус.)  
18.00 Топ-20  
19.00 «Юлаули пайшанба»  
20.00 Концерт  
21.00 Мировые хиты  
22.00 Кино-SMS  
1. «НЕВИДУМКА»  
2. «И ГРЯНУЛ ГРОМ»  
3. «КАПКАН ВРЕМЕНИ»

## РТР-Спорт

17.45 «Сборная России». С.  
Кузнецова.  
18.55 Битлз. Кубок мира.  
20.55 Баскетбол. Лига чемпионов.  
Мужчины. «Локомотив-Белогорье» -  
«Дорес»  
22.00 Битлз. Кубок мира.  
02.20 Автопорт. «Дакар-2007»

## Чоршанба

07.00 Хоккей. Чемпионат России.  
«Свердлов» - «Салават Юлаев»  
09.00, 11.00, 15.00, 18.50, 22.35, 02.40  
«Вести-спорт»  
09.10 Баскетбол. Лига чемпионов.  
Мужчины. «Локомотив-Белогорье» -  
«Дорес»  
11.15 «Самый сильный человек». Этап  
Кубка мира-2006.  
12.30 Футб. Бонра.  
14.05 Автопорт. «Дакар-2007»  
15.15 Баскетбол. Лига чемпионов.  
Мужчины. «Локомотив-Белогорье» -  
«Дорес»  
17.10 Битлз. Кубок мира. Эстафета.  
Женщины.  
19.05 Путь Дракона.  
19.35 Футбол. Церемония вручения  
международных футбольных  
премий.  
21.25 «Самый сильный человек». Этап  
Кубка мира-2006.  
22.50 Битлз. Кубок мира. Эстафета.  
Женщины.  
00.40 Баскетбол. Евролига.  
«Бенеттон» - ЦСКА

## Пайшанба

07.00 Баскетбол. Евролига.  
«Бенеттон» - ЦСКА.  
09.00, 11.00, 15.00, 18.55, 21.45, 02.10  
«Вести-спорт»  
09.10 Битлз. Кубок мира. Эстафета.  
Женщины.  
11.15 «Самый сильный человек». Этап  
Кубка мира-2006.  
12.30 Футб. Бонра.  
14.05 Автопорт. «Дакар-2007»

15.15 Баскетбол. Лига чемпионов.  
Мужчины. «Сислей» - «Динамо»  
17.10 Битлз. Кубок мира. Эстафета.  
Мужчины.  
19.05 Точка отрыва.  
19.35 Хоккей. Кубок европейских  
чемпионов. ХПК - «Жиллина»  
22.00 Баскетбол. Евролига. «Динамо»  
- «Проклом Треф»  
00.05 Хоккей. Кубок европейских  
чемпионов. «Ак Барс» - «Феррестал»

## Жума

07.00 Баскетбол. Евролига. «Динамо»  
- «Проклом Треф»  
09.00, 11.00, 15.00, 18.50, 23.15, 01.40  
«Вести-спорт»  
09.10 Битлз. Кубок мира. Эстафета.  
Мужчины.  
11.15 «Самый сильный человек». Этап  
Кубка мира-2006.  
12.30 Футб. Бонра.  
14.05 Автопорт. «Дакар-2007»  
15.10 Баскетбол. Кубок мира.  
Женщины.  
17.10 Битлз. Кубок мира. Спринт.  
Женщины.  
19.05 Хоккей. Кубок европейских  
чемпионов. «Жиллина» - «Спарта»  
20.55 Хоккей. Чемпионат России.  
23.25 «Вести-спорт. Местное время»  
23.30 Рыбалка с Радиславским  
23.45 Конькобежный спорт. ЧЕ.  
01.50 Автопорт. «Дакар-2007»

## Шанба

07.05 Баскетбол. Лига чемпионов.  
Мужчины. «Сислей» - «Динамо»  
09.00, 11.00, 15.00, 17.55, 22.50, 01.15  
«Вести-спорт»  
09.15 Битлз. Кубок мира. Спринт.  
Женщины.  
11.15 Путь Дракона.  
11.45 Спортивные танцы. Кубок  
«Спиртака»  
12.30 Футб. Бонра.  
14.05 Автопорт. «Дакар-2007»

15.10 «Вести-спорт. Местное время»  
15.15 «Самый сильный человек»  
Кубок мира-2006. Лучшее.  
16.20 Баскетбол. Кубок мира.  
Мужчины. Дюмо.  
18.10 Битлз. Кубок мира. Спринт.  
Мужчины.  
19.50 Точка отрыва.  
20.25 Хоккей. Кубок европейских  
чемпионов. «Ак Барс» - «Латвия»  
23.00 «Вести-спорт. Местное время»  
23.10 Баскетбол. Чемпионат России.  
Мужчины. «Искра» - «Динамо»  
01.20 Автопорт. «Дакар-2007»  
02.20 Футбол. Чемпионат Англии.  
«Челси» - «Уингл»

## Якшанба

06.55 Хоккей. Кубок европейских  
чемпионов. «Спарта» - ХПК  
09.00, 11.00, 14.35, 18.45, 22.50, 01.15  
«Вести-спорт»  
09.10 Битлз. Кубок мира. Спринт.  
Мужчины.  
10.40 «Бонго миллион»  
11.15 «Сборная России»  
11.30 Рыбалка  
12.05 Футб. Бонра.  
13.40 Автопорт. «Дакар-2007»  
14.45 «Вести-спорт. Местное время»  
14.55 Битлз. Кубок мира. Масс-  
старт. Женщины.  
15.55 Баскетбол. Кубок мира. Мужчины.  
Четверки.  
16.35 Битлз. Кубок мира. Масс-  
старт. Мужчины.  
17.55.18.55 Баскетбол. Чемпионат  
России. Женщины. «Динамо» - УТМК  
19.40 Баскетбол. Кубок мира.  
Мужчины. Четверки.  
20.25 Хоккей. Кубок европейских  
чемпионов. Финал  
23.00 «Вести-спорт. Местное время»  
23.10 Футбол. Международный  
конькобежный турнир памяти В.А.  
Громова. Финал.  
01.30 Автопорт. «Дакар-2007»  
02.20 Конькобежный спорт. ЧЕ.

## Jahon pochтasi

Словения почтаси Европадаги энг навқирон почта хизматларидан ҳисобланади. 2005 йили компаниянинг ўн йиллиги нишонланди. Шунга қарамасдан, словениялик алоқачилар тажрибали қитъадошларига ён бермаган ҳолда, ички бозорда муваффақиятли фаолият юритишяпти.



# НАВҚИРОН ПОЧТА ТАШКИЛОТИ

## Словения почтаси фаолиятига назар

1995 йилнинг 1 январидан почта ва телекоммуникация хизматлари кўрсатувчи РТТ компанияси негизда икки мустақил ташкилот — Posta Slovenije (Словения почтаси) ва Telekom Slovenije (Словения Телеком) компаниялари тузилди. Шу тарзда маънан ҳамда моддий жиҳатдан эскирган 400та почта бўлими ва 8та почта марказидан иборат "мерос" Словения почтаси ихтиёрига ўтди.

Корпорация менежерлари олдида ҳам компанияни, ҳам унинг хизматларини янгилашдек масъулиятли ва оғир вазифа турарди. Мамлакат Европа Иттифоқига аъзо бўлиб киргач, почта секторидagi рақобат янада кучайди, табиийки, почта ходимларига қўйиладиган талаблар ҳам шунга яраша бўлди. Янги раҳбарлар ишни асосий кучни замонавий технологияларга мақсадли сармоя киритиш, почтани саралаш ишларини автоматлаштириш ҳамда чакана ва ноанъанавий хизматлар кўрсатишга йўналтиришдан бошлашди. Бу савъ-ҳаракатлар асосида компаниянинг аста-секин бизнес оламида мустақкам ўрин эгаллаб, сифатли хизмат кўрсатишни бошлашига замин ҳозирланди. Малакали кадрлар Словения почтасининг ўзида тайёрланди: компания ходимларни ўқитишга мунтазам маблағ ажратмоқда, янги технологияларнинг жорий этилаётганлиги эса уларнинг ишлаши учун қулай шароит яратмоқда.

Бугунга келиб, корпорацияда ишловчилар сони 6500 нафардан ошди. Компания мамлакат пойтахти Любляна ва Мариборда замонавий почта жўнатмаларини сараловчи 2 марказ ҳамда 550 почта бўлимига эга. Ўртача ҳисоблаганда, бир почта бўлими 36 километр ҳудудга ва 3856 кишига хизмат кўрсатади. Бу Европадаги ўртача кўрсаткич (58,3 километр, 4509 киши)га қиёслаганда, анча яхши натижадир.

2005 йили Европа Иттифоқи мамлакатларидан аҳолининг асосий хизмат турларидан, шу жумладан, почта хизматидан фойдаланиш имкониятлари ўрганиб чиқилди. Словения энг ихобий баҳоланган олти мамлакат орасидан ўрин эгаллади. Почта хизматидан фойдаланувчиларнинг 93 фоизи Словения почтаси хизматларига юқори баҳо берди.

## Бизнес рақамларда

Словения почтаси йиллик айланма маблағлар бўйича мамлакатдаги энг йирик компаниялардан бўлиб, ҳар йили 900 миллиондан зиёд

амалиёт ўтказида.

Охириги уч йил мобайнида почта хизматлари ҳажмининг мунтазам ошиши кузатиляпти — йилига ўртача 11,9 фоиз. Словения почтаси асосан ички бозорга хизмат кўрсатади. 2004 йили почта хизмати томонидан манзилларга етказилган 791 миллион почта жўнатмасининг 98 фоизини ички бозор жўнатмалари ташкил этди. Ушбу ўсиш мамлакат иқтисодийотидаги юксалишлар сабабли манзилсиз реклама жўнатмаларининг кўпайганлиги билан изоҳланади.

Охириги пайтларда жадал сурьатларда ривожланаётган логистика соҳаси — Словения почтаси келгусида фаолият юритишни режалаштираётган бозорлар сирасига кириди. Бунинг учун Европанинг мазкур йўналишдаги энг илгор почта операторларидан бири билан битим тузиш кўзда тутилмоқда.

## Қонун ҳамма нарсадан устун

2001 йили Словенияда "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Шу қонун асосида мамлакатда Телекоммуникациялар, кенг узатиш ва почта бўйича миллий агентлик (АТРП) ташкил этилди. Акциядорлик компаниясига айлантирилган Словения почтаси давлат ихтиёрида қолдирилди. АТРПни мамлакат бош вазирининг бошчилигидаги Ижроия кенгаши томонидан беш йилга тайинланган директор ва унинг икки ўринбосари бошқарадиган бўлди. Мазкур агентлик зиммасига халқаро муносабатлар, лицензиялаштириш, қонунчилик, шунингдек, почта ва телекоммуникациялар соҳасидаги компаниялар фаолиятини мувофиқлаштириш сингари масалалар юклатилди.

2004 йили АТРП Словения Республикаси почта ва электрон коммуникациялар агентлиги (АПЕК) дея қайта номланди. Ташкилотнинг номи билан бирга фаолият доирасида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди — 2009 йил учун кўзда тутилган мамлакат почта бозорини либераллаштиришдан сўнг лицензия бериш ҳуқуқига эга бўладиган АПЕК эркин почта бозорини назорат қилишни тўлиқ қўлга олади, универсал почта хизматлари қўрсатилишини кузатиб ва қафолатлаб боради.

Словения аҳолисига, уларнинг яшаш жойидан қатъи назар, универсал хизматлардан фойдаланиш учун бир хил шароит яратиш кўзда тутилган.

Универсал почта хизматлари сирасига 2 килограммгача оғирлиқдаги хатлар ва жўнатмалар, буюртма ва қимматбаҳо хатлар ҳамда кўзи оғирлар учун почтани етказиш каби хизматлар кириди.

(Давоми бор.)

Саҳифа материалларини Собит АҲАДОВ тайёрлади

## ALOQA OLAMIDA



## ЭНГ КЎП РЕКЛАМА БРИТАНИЯДА

"ECONOMIST" журнали маълумотларига кўра, Буюк Британия жаҳон реклама бозорида етакчи давлат ҳисобланган АҚШни ортда қолдирган.

2006 йилнинг биринчи ярмида Англияда интернет-реклама ҳажми 40 фоизга, АҚШда эса 37 фоизга ўсган. Умуман олганда, Буюк Британияда глобал тармоқда жойлаштирилган рекламалар умумий рекламанинг 14 фоизини ташкил этади — бу Американикидан анча юқори кўрсаткичдир.

"ZenithOptimedia" компаниясининг ҳисоб-китоб қилишича, 2009 йилга бориб интернетда реклама жойлаштириш нархи телерекламаники билан тенглашади ва бу борада Буюк Британия янада илдамлаши мумкин.

## НАМАСТЭ, ХАКЕРЛАР!..



ХИНДИСТОН хакерлар сони бўйича жаҳонда биринчи ўринга чиқиб олган. Ушбу мамлакат Ахборот технологиялари департаменти тарқатган маълумотларда 2006 йилнинг биринчи ярмида ҳинд хакерлари жами 752 сайтни ишдан чиқаришгани айтилади. Ҳолбуки, 2005 йили жами 373 сайтга ҳужум бўлганди.

Пунадаги "Symantec" лабораторияси раҳбарининг таъкидлашича, ўтган йили энг кўп спамерлар (руҳсатсиз реклама тарқатувчилар) мавжуд давлатлар рўйхатида Ҳиндистон 18-ўринни эгаллаган. Бу мамлакатдан жўнатилган хатларнинг 76 фоизидан спамлар борлиги лаборатория томонидан аниқланган.

## ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТЛАРИ



2006 ЙИЛНИНГ сўнгги сешанбасида Тайванда юз берган кучли zilzila бир қатор телефон ва Интернет тармоқларини ишдан чиқарган. Айниқса, сув ости кабел коммуникацияларига катта талафот етган.


Жанубий Кореянинг телефон алоқаси хизматини кўрсатувчи КТ компанияси вакиллари ер ости силкинишлари туфайли бир йўла олти коммуникация тармоғи ишдан чиққанлигини ва ўнлаб корпоратив миқозлар алоқа воситаларидан фойдаланиш имконидан маҳрум бўлганларини билдиришган. Сеулда валюта бозори ишни тўхтатган. "China Telecommunications Group" компанияси миқозлари эса Интернетга уланишда қийинчиликларга дуч келишган.

## СОВУТТИЧ ИШҚИБОЗЛАРИ



АГАР "NPD GROUP" тадқиқотлар компанияси маълумотларига ишонадиган бўлсак, америкалик истеъмолчилар қимматбаҳо электротехника маҳсулотлари сотиб олишга жиддий қиришишган кўринади. Масалан, нархи 1500 доллардан юқори бўлган совуттичлар савдоси ўтган йили 29,5 фоизга ўсган, 100-300 доллар атрофида баҳоланувчи совуттичларга бўлган талаб эса, аксинча, камайган (-20 фоиз).

2006 йили АҚШда жами 12,2 миллион долларлик совуттичлар сотилган. Ошона жиҳозидан ҳам кўра, кўпроқ кўнгилочар қурилмани эслатувчи совуттичларга бўлган талаб, айниқса, катта бўлмоқда. Уларнинг эшикларига экран ўрнатилган бўлиб, филм ва телекўрсатувлар томоша қилиш, об-ҳаво ва исталган таом рецепти ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин.



# ИНТЕРНЕТ ВА ЭЛЕКТРОН ПОЧТАДАН ФОЙДАЛАНИШ

## 8-ДАРС (Охири. Аввали ўтган йилги сонларда.)

Энди бирор танишимизга хат ёзиш тартибини келти-  
раимиз.

Аввал **Написать** белгисига бир марта "сичқонча"-  
нинг чап тугмачасини босамиз. Ойна ўзгаради:


**"Кому"** деган қаторга хатни кимга юбораётганлиги-  
мизни (E-mailни) ёзамиз;

**"Тема"** деган қаторга хатнинг мавзуси ёзилади.

Пастроқда хат ёзиш учун жой бор, у ерга хат ёзамиз:

Масалан: Salom, Bahrom, qalaysan, u yerda ob-havo  
qanaqa?


Yangi yiling bilan tabriklayman. Biznikiga kel!!!  
Menga xat yubor.




4. **Отправить** белгисини "сичқонча"нинг чап  
тугмачасини орқали бир марта босамиз. Натижада хати-  
миз **bahrom2005@list.ru** манзилига кетади.

## Хатларни ўқиш

Электрон почтага келган хатларни кўриб чиқмоқ-  
чи бўлсак, **Входящие** белгисига "сичқонча"нинг чап  
тугмачасини бир марта босамиз ва натижада келган  
хатлар рўйхати чиқади. У қуйдагича бўлади:



Масалан, биз **"Администрация mail.ru"**дан келган  
хатни ўқиб кўрмоқчимиз. Бунинг учун **"Администрация  
mail.ru"** ёрлиги устида "сичқонча"нинг чап тугмачасини  
бир марта босамиз. Ойна қуйдаги кўринишга ўзгаради:




Шу ойнанинг пастиди хат матни кўринади. Шу билан  
хатни қабул қилган бўламиз.

## Хужжат, расм ва турли файлларни жўнатиш


Хужжат, график, аудио ва видео файлларни хатга  
илова қилиш мумкин. Турли хужжатлар, жадваллар,  
расм ёки шунга ўхшаш маълумотлар илова ёрдамида  
жўнатилади. Хужжатни тайёр форматда жўнатган маъ-  
кул. Масалан, хужжатлар Word, Excel ёки Power Pointда  
тайёрланиши мумкин.

Мисол тариқасида хужжатни хатга илова қилиб жўна-  
тайлик. Бунинг учун қуйдаги амаллар бажарилади:

1. Хатни ёзиб, ташкил этинг.
2. Унда манзил ва мавзунини кўрсатинг.
3. Сўнг хатга хужжатни илова қилиш учун хат ёзиш  
ойнасининг пастидида **Browse...** белгисига "сичқон-  
ча"нинг чап тугмачаси бир марта босилади.



4. Кичик ойна пайдо бўлади. Хатга илова қилмоқчи  
бўлган хужжатимизни танлаб, **Вставить** ни босамиз.  
Натижада танлаган хужжатимиз юбормоқчи бўлган  
хатимизга илова қилинади. Хатни юбориш учун



Кўпчилик Интернетдан фақатгина янгиликлар билан  
танишиш, маълумот қидириш, электрон почта жўнатиш  
мақсадларида фойдаланиш мумкин деб ўйлайди. Ва-  
ҳоланки, Интернет ёрдамида қуйдаги хизматлардан  
ҳам фойдаланиш мумкин:

- ◆ масофадан ўқитиш;
- ◆ электрон кутубхоналар;
- ◆ телемедицина;
- ◆ телеметеорология;
- ◆ электрон тадбиркорлик;
- ◆ электрон дўконлар ва ҳоказо.

Шу билан "Интернет ва электрон почтадан фойдала-  
ниш" дастури бўйича машғулотлар тугади.

Азизбек НЕЪМАТУЛЛАЕВ,  
"Эффект-молия" ўқув маркази  
бош мутахассиси



## QUTLOV

Муҳаммаджон ҳожи  
КАТТАБЕКОВ, Учкўприк туман  
почта алоқаси тармоғи бошлиғи:

— Мактабда ўқиб юрган  
кезларим жуда кўп соҳаларга  
қизиқардим. Дам расом  
бўлиб, буюк асарлар яратиш-  
ни орзу қилсам, дам техника-  
технологиялар сир-синаотла-  
ри мени ўзига мафтун этарди.  
Ўқитувчиларим "истикболли  
соҳа" дея, Тошкент алоқа  
техникумига ўқишга киришимни  
маслаҳат беришди. Улар  
кўрсатган йўлдан бориб, иш  
бошлаганимга ҳам 36 йил  
бўляпти. Шу йиллар мобайнида  
алоқа соҳасини танлаганимдан  
ҳеч қачон афсус чекмаганман.  
Декончилигим ҳам қанда қилма-  
дим. Халол ишлаб, халол ризқ  
топиб, кам бўлмадим.

Шўқри, мусулмончилиқнинг  
бешичи фарзини адо этишдек  
бахту саодатга ноил бўлдим. 2006  
йил мен учун нихоятда омадли  
келди — "Ўзбекистон Республикаси  
мустақиллигига 15 йил" эсдалик  
нишонини билан тақдирландим.

Янги — 2007 йил ва улуг айём —  
Қурбон ҳайити билан қутлаб,  
севимли "Xabar" газетаси ўқувчи-  
ларига ўзининг дил изҳорла-  
рини баён этаётганимдан  
бахтиёрман. Илоҳим, 2007  
йилда барча орзу-ниятларин-  
гиз ушласин!

# ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ ОЧИЛМОҚДА

Ta'lim tizimi

Маълумки, Республикамиз Президентининг  
"Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш  
ва ахборот-коммуникация технологияларини  
жорий этиш тўғрисида"ги Қарори мазкур соҳада  
амалга оширилаётган ишлар кўламини кенгайти-  
ришга хизмат қилмоқда.

Навоий компьютер технологияла-  
ри касб-хунара коллежи вилоятда ушбу  
йўналишдаги таълим масканларидан  
биринчиси ҳисобланади.

Замонавий меъморчилик андоза-  
лари асосида қурилиб, Конституция-  
мизнинг 14 йиллиги байрами кунла-  
рида фойдаланишга топширилган  
ушбу коллеж 540 ўринга мўлжаллан-  
ган. Мазкур билим даргоҳида бугунги  
кунда 335 нафар йигит-қиз ахборот  
ва коммуникация тизимлари, компю-  
тер тармоқларининг дастурий таъми-  
ноти, бухгалтерия хисоби, молия, банк  
иши каби 5та мутахассислик бўйича  
касб-хунара сирларини ўрганмоқда.  
Уларнинг пухта билим олишлари, кунт  
билан касб ўрганишлари учун барча  
шарт-шароитлар яратилган.

Янги ўқув даргоҳи биринчи ўқув  
йилини Ўзбекистон—Германия лойи-

ҳаси асосида бошлади. Коллеж Гер-  
мания тараққиёт банкининг имтиёзли  
кредити доирасидаги "Ахборот-ком-  
муникация технологиялари соҳасида  
касб-хунара таълимини ривожланти-  
ришга кўмаклашиш" лойиҳаси тарки-  
бига киритилди. Худди ана шу ҳамкор-  
лик асосида ўқув масканининг "Электр-  
техника-электроника асослари" лабо-  
раторияси, "Компьютерларга техник  
хизмат кўрсатиш" устaxonаси, "Дас-  
турлаш ва компьютер тармоқларига  
техник хизмат кўрсатиш лаборатория-  
лари" хоналарининг 3244,0 минг евро  
микродоридаги жиҳозлар билан таъмин-  
ланиши режалаштирилганлиги наво-  
ийлик ёшларга катта имкониятлар  
эшигини очди.

Ўқув масканида ёшларга таълим  
бераётган 42 нафар педагог ва му-  
ҳандиснинг 8 нафари бугунги кунда

Германия лойиҳаси асосида Тошкент  
шаҳрида малака оширмоқда.

— Педагогларнинг илмий-тадқиқот  
ишларини олиб бориши, ўқув-услубий  
қўлланмалар ишлаб чиқишлари учун  
ҳам шарт-шароитлар яратиш бериш  
эътиборимиздан четда қолгани йўқ, —  
дейди коллеж директори Феруза Иди-  
ева. — Бу борада Тошкент ахборот  
технологиялари университети, вило-  
ятимиздаги Кончилик ҳамда Педагогика  
институтлари билан олиб борила-  
ётган ҳамкорликдан кўнглимиз тўқ.

Бундан ташқари, битирувчилари-  
миз тақдирини ҳозирдан ўйлаётгани-  
миз боис, Ўзбекистон алоқа ва ах-  
боротлаштириш агентлигининг Наво-  
ий вилоят ҳудудий бошқармаси, "На-  
воий Телеком" филиали ҳамда вило-  
ят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимо-  
я қилиш бошқармаси билан шартнома  
тузганмиз. Шу тариқа, талабалари-  
миз олган билимларини амалда  
қўллашлари, танлаган соҳалари бўйи-  
ча тақриба орттиришлари учун пухта  
замин яратилмоқда.

Маруза ҲОСИЛОВА  
Навоий вилояти

"KABUTARDAN — SAMOVIIY ALOQAGACHA!" TANLOVIGA



«Xabar» gazetasi taхририяти 2006 йил «Кабутардан — самовий алоқагача!» танловини эълон қилган эди. Танловимизга биринчи бўлиб хоразмлик жамоатчи мухбиримиз Фарҳод Муҳаммадиевнинг «Хоразм алоқа тизими тарихи» мақоласи келиб тушди. Қуйида ушбу мақоланинг навбатдаги қисми ҳавола қилиняпти. Газетимизнинг 16 саҳифасида танлов шартлари билан яна бир бор танишишингиз мумкин.

# Хоразм алоқа тизими тарихи

(Давоми. Аввали газетамизнинг 2006 йилдаги 51 ва 52-сонларида.)

1920 йилнинг августида Туркистон почта-телеграф идораси ташаббуси билан Қўшқа-Афғонистон алоқаси ўрнатилди. Уша йилнинг окхирида эса Эрон билан почта алоқаси йўлга қўйилди. Бу даврда почта алоқаси муассасаларига газета ва журналларга обуна қилиш ва уларни чакана тармоқлар орқали сотиш йўли билан матбуот нашрларини тарқатиш вазифаси ҳам юклатилган эди.

1920-1925 йилларда Хоразмда почта ташишининг янги воситалари жорий этилди. Масалан, Чоржўй-Янги Урганч шаҳарлари ўртасида Амударё орқали кемаларда почтани ташиш қайта ташкил қилинди.

1920 йилнинг 13 сентябрида Россия ҳукумати томонидан Георгий Чичерин, Лев Карахан, Хоразм Республикаси ҳукумати томонидан Бобохун Салимов, Мулла Уроз Хўжамуҳаммад, Мулла Нурмуҳаммад Бобоевлар шартнома имзолашган.

Унга асосан, темир йўл, телеграф ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш шартлари техник жиҳатдан мос келиши ва ўзаро фойдали бўлиши эътиборга олинган.

1921 йилнинг 24 апрелида Хивадан Чоржўйгача телеграф линияси қуриш учун 7 миллион сўм ажратишга қарор қилинди. 1922 йил 16 декабрда эса Хоразм Республикаси марказий қўмитаси ҳайъати (раиси Абдулла Хўжаев) Хива шаҳрида аэродром ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорга асосан аэропланлар қўнадиган жой қалъанинг Хонқа йўли дарвозаси олдида белгиланди.

Қарорда қўналга учун ажратиладиган жойда экин майдони бўлган деҳқонлар учун Хива атрофидан ер бериш кўрсатилганди. Деҳқоннинг 1 таноб ери ўрнига давлат жамғармасидан кўчат экилган 1,5 таноб қулай ер ва 2 таноб кўчатсиз экин майдони бериш белгиланди. Агар ери пастликда жойлашган бўлса, 3 танобдан ажратиш кўрсатилди.

1923 йилдан бошлаб маҳаллий «уچار» почта Хоразм Республикаси ичида фуқаролар ўртасидаги алоқа учун хизмат қилар ва у орқали Дарғонота, Ҳазорасп, Хива, Тошхўвуз,

Хўжайли, Қўнғирот йўналишлари бўйича хабарлар юбориларди. Уша даврда почта-телеграф бўлими почтани юбориш ишлари билан шуғулланадиган хусусий бажарувчилар билан шартнома тузди. Хоразм Республикасида бошқа давлатлар билан алоқа воситаси почта ва телеграф ҳисобланарди. Лекин телеграф Туркистон почта ва телеграф Назорати тасарруфига ўтганди. Шунингдек, ҳарбий назорат ихтиёрида радиотелеграф ҳам мавжуд эди.

Шу даврда ҳаво флоти пайдо бўлиши қўтилаётган ва Хоразм Республикаси уни барпо этишга 25 минг сўмлик олтин танга билан ўз улушини қўшганди. Радио ва ҳаво флоти бевосита марказга бўйсунгани учун, бу ният республика ҳўжалик режасига киритилмади (фақат 15 минг сўмлик аэродром қуриш бундан мустасно эди).

Хоразм Республикасининг йирик савдо-саноат маркази бўлган Янги Урганчда почта-телеграф бўлими очилган ҳамда Хива—Тўрткўл—Чоржўй почта линиясини қайта тиклаш белгиланди. Хива—Янги Урганч, Хива—Тошхўвуз, Хива—Хонқа—Дарғонота ва Хива—Тўрткўл йўналишида ички телефон алоқа линиялари ўрнатилди. 1923 йилда Хиванинг ўзида 27 та телефон аппарати бўлиб, марказдан қўшимча янгиларини сотиб олиш қўзланганди.

Алоқа катта аҳамият касб эта бошлаганига қарамасдан, у ҳамон ички ишлар Назорати бўлимидаги халқ алоқа бўлимига бўйсунарди. Келажакда алоқанинг иш ҳажми янада кенгайиши эътиборга олинган, 1923 йил 19 ноябрда Хоразм Республикаси ички ишлар Назорати бу соҳани алоҳида халқ алоқа бўлимига айлантиришга қарор қилди. Хўжайли ва Қўҳна Урганч, Хўжайли—Бола-Порсу (Қўқчага), Илоли—Тошхўвуз, Хива—Ҳазорасп орасида телефон алоқаси ташкил этиш мақсадида Россиядан зарур воситалар келтиришга қарор қилинди. Шунингдек, тез ва ишончли алоқа ўрнатиш чора-тадбирлари белгиланди. Вилоятлараро отда қатналадиган маҳаллий почта ташкил қилиниб, унинг харажатлари давлат муассасалари ва

ходимлари зиммасига юклатилди.

Собир Отажонов — биринчи маҳаллий алоқачилардан бири бўлган. У Жума масжиди билан Исломуҳжа минораси оралигида антенна сим торган ва узатувчи қурилма ёрдамида Тошкент билан сўзлашган. Шундай қилиб, 1924 йилнинг январиди Хива билан Тошкент орасида алоқа ўрнатилган. Хивадаги 27та телефон аппарати ёрдамида комиссариат муассасалари ўртасида алоқа боғланган. Хоразм Республикасининг Тошхўвуз ва Янги Урганч вилоятларида ҳам телефон алоқаси мавжуд бўлиб, ҳукумат назорати шу тарика алоқани сақлаб турарди.

Елкасига барабан осиб, Дарғонотада кабел тортиб келган Валиулло ота Мусин ҳам илк алоқачилардан бири ҳисобланади. Бу инсон кўп йиллар алоқанинг юраги бўлган аккумуляторларни тузатиш ишлари билан шуғулланган.

Урозмат Заргаровнинг заҳматли меҳнати, севган касбига садоқати таҳсинга сазовордир. У Манғитдан Урганч шаҳрига гоҳ пйёда, гоҳ эса эшак-аравада хат-хабар таширди, узок йўлни 4 кунда босиб ўтарди.

1927 йилда Хива шаҳрида автотранспорт воситасида почта ташиш хизмати йўлга қўйилди.

Хоразмда ҳар хил алоқа воситаларидан фойдаланилган. «Морзе» телеграф аппарати, ҳарбий динамик телефон, 1927 йилда ишлаб чиқарилган 40 рақамли МБ-40 телефон коммуторатори, 1935 йилда яратилган «СТ-24» телеграф аппарати ва «Нева» фототелеграф аппарати, 1955 йилда пайдо бўлган «РТА-6» рулонли телеграф аппаратлари шулар жумласидандир.

Кейинчалик алоқа хизмати доираси анча кенгайди, жамоа ва давлат ҳўжаликлари марказларида ҳам автомат телефон станциялари ишга туширилди. Туман марказлари Урганч шаҳри ва республика маркази Тошкент, шунингдек, бошқа шаҳарлар билан телефон алоқаси орқали боғланди.

(Давоми бор.)

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ

## QUTLOV

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,  
Бешариқ телекоммуникациялар  
боғламаси бошлиғи,  
«Шўхрат» медали соҳибчи:



— Ёшлигимдан фақат яхши фарзанд, яхши мутахассис, солиҳ инсон, меҳрибон ота бўлишни орзуладим.

Ўтган умрим давомида бунга эришиб келяпман, дея ишонч билан айта оламан.

Раҳбар сифатида ҳам ҳолис ва ғамхўр бўлишга ҳаракат қиляпман. Жамоамизда кейинги пайтларда катта муваффақиятларни қўлга киритаётимиз. Режаларни, ортини билан уddалаб келяпмиз. Гални мухтастар қилиб айтганда, киши астойдил меҳнат қилса, ўзи ҳатто ҳаёлига келтирмаган мартабаларга муяссар бўлар экан.

Ўтиб бораётган йил мен учун эсда қолашли йиллардан бири бўлди. «Мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, алоқа соҳасини ривожлантиришга 32 йилдан буён қўшиб келаётган ҳиссангиз учун» дея, «Шўхрат» медалини топширишганда, қалбдан кечган ифтихор туйғуларини таърифлашга тилим ожизлик қилади!

Мен ҳамюртларимизни кириб келган Янги йил билан муборакбод этарканман, барчага адо бўлмас қувончу, шодликлар тилайман.

## SHE'R AYTGIM KELD...

### Парвоз этай

Парвоз этай, қанот бўлинглар,  
Юксакларга чорлайди билим.

Азизларим, мадад бўлинглар,  
Орзуларга лимо-лим дилим.

### Ватан ишқи

Дугонажон, ташла бир нигоҳ,  
Меҳрин сочмиш юртимга Аллоҳ,

Жозибадор равон кўчалар,  
Фусункордир ойдин кечалар,

Кўшиқ куйлар қайнарбулоқлар,  
Кўшиқ тинглаб яйраб ўтлоқлар.

Ғурур ҳиссин туяди кўксим,  
Бундай ўлка қайда бор, дўстим?

Садқа бўлсин шу юртга жоним,  
Яшнайвер, эй Ўзбекистоним!

Ҳилола РЎЗИКУЛОВА,  
Самарқанд вилояти

Ургут тумани, Чоштёпа қишлоғи

## Байрам хандалари




Қорбобо болалар боғчасига келган эди, уни болалар ўраб олишди.  
— Қорбобо! Қорбобо! Бизларга қандай совғалар олиб келдингиз?  
— Сизларга олиб келган совғаларим жуда кўп! Олдин сизлар менга мана шу масалани ечишда ёрдам беринглар-чи: мана, оддийгина, осон масала... Қорбобо бир кунда 10та хонадондан бюуртма олиб, уйларга кириб чиқди, дейлик. Агар ҳар битта бюуртма учун унга 5000 сўм тўлашса, Қорбобо жами неча сўм тўплайди?  
Болалар қўлларини кўтариб, қичқира бошлашди:  
— Эллик минг сўм оласиз, Қорбобо, эллик минг сўм!..  
Қорбобо (ийнглагудек бўлиб) деди:  
— Болалар... болаларим... Сизлар солиқ инспекцияси нимагини билмайсизлар-да!



31 декабр куни. Бир бола телефонда гаплашяпти:  
— Алё? «Тез ёрдам»ми? Тезроқ келинглар! Отам ақлдан озиб қолди. Қизил чопон, пийма кийиб олиб, дуч келган одамга «Мен Қорбобоман!» деб мақтаниб юрибди....

# KROSSVORD



Тузувчи: Рўзбой АЗИМ

## БЎЙИГА:

1. Амир Темури даврида ривожланган қадимий давлат. 2. Само, коинот. 3. Қимматбаҳо тош. 4. Абдулла Қодирий асарининг қаҳрамони. 5. Сувнинг форсча айтилиши. 6. Оғриқдан қолган оғриқ. 7. Хитойдаги шаҳар. 8. Оромгоҳ жой. 9. XV аср шоири Мухаммад Солиҳ қаламига мансуб тарихий-маснавий асар. 18. Пул. 19. Спорт ўйини. 20. Пойтахти Нукус шаҳри. 21. Қадимий масофа ўлчов бирлиги. 23. Дарахт номи. 26. Мусиқа асбоби. 28. Хонлар ўриниди. 31. Қишин-ёзин бир хил "кийим"даги дарахт. 34. Ярим, яримта. 41. Барг. 43. Теварақ, муҳит. 44. Бурж номи. 47. Бадиий асар тури. 48. Ватан ҳимоячиси. 49. Ҳиндистондаги дарё. 51. Америкада ҳоким шахснинг аталиши. 52. Япониядаги дарё. 58. Кунчиқар мамлакатларни ўрганувчи фан. 60. Тиббиёт соҳаларидан бири. 62. Жаҳондаги энг машҳур шаҳарлардан бири. 63. Фарёд. 66. Тилшуносликдаги товуш тури. 67. Уй қисми. 69. Умр. 70. Физик атама. 72. Қўнгилсиз воқеа. 76. Америкада ҳудудий бўлимининг аталиши. 87. Узун оёқли қуш. 88. Овқатга мойиллик. 89. Тошкент вилоятидаги оромгоҳ маскан. 90. Афсонадаги юрт номи. 95. Франциядаги шаҳар. 96. "Сув улови". 100. Ўз қонуни билан машҳур бўлган физик олим.

## ЭНИГА:

4. Сарсон-саргардон. 10. Япониядаги шаҳар. 11. Байрамолди кун. 12. Муқаддас маскан. 13. Жиззах вилоятидаги туман. 14. "Морена Клара" телесериалидаги қаҳрамон. 15. Илонинг бир тури. 16. Ўзбек курашида бериладиган салбий баҳо. 17. Жаннатдаги булоқ номи. 18. Ичра, орасида. 22. Мева. 24. Самолётнинг туркча атамаси. 25. Унинг дардини тўқ билмайди. 27. Ўзбек тилидаги мустақил сўз туркуми. 28. Самолёт русуми. 29. Мумтоз адабиётда қизларни унга қиёслашади. 30. Хитойнинг қадимий шарқона номи. 32. Корейс халқида кенг тарқалган насаб, фамилия. 33. Тилшуносликдаги кичрайтириш қўшимчаси. 35. Тиббиётда кенг қўлланиладиган модда. 36. Мажруҳ. 37. Дудук. 38. Осиёдаги қадимий давлат. 39. Мусикий товуш номларидан бири. 40. Шикор. 42. Тигли қурол. 45. Республикадаги автомобилсозлар шаҳри. 46. Осиё давлатларидан бирининг пул бирлиги. 50. Жисмоний машқлар мажмуи. 53. Субҳидам. 54. "Душманимга ҳам .... кўрмайман". 55. Хорижга чиқариладиган маҳсулот. 56. Таом, овқат. 57. Қадимда давлат бошлиғи. 59. Греция пойтахти. 61. Ибн Сино таваллуд топган қишлоқ. 64. Дамба. 65. Қалин ўрмонзор. 68. Сен уни боксанг, у сени боқадди. 71. Мусикий товуш номларидан бири. 73. Аэропорт. 74. Пайғамбарлардан бири. 75. "Хамса" асаридаги қаҳрамон. 77. Ошқор бўлган. 78. Фасл. 79. Фазилат. 80. "Юз" сўзининг салбий аттенкали маъноси. 81. Энг машҳур рубоий-нависнинг исми. 82. Мучал номларидан бири. 83. Уй қисми. 84. Ер йўлдоши. 85. Асл, туб. 86. Сутканинг бир қисми. 91. Ичилади, аммо суюқлик эмас. 92. Республикамиз жанубидаги туман. 93. Ўзбекистон давлат нишонларидан бири. 94. Намоз амалларидан бири. 96. Улуш. 97. Ошхона анжومي. 98. У бўлса, иш унумли бўлади. 99. Ташкилот, муассаса. 101. Ўқимишли. 102. Амалга ошмаган орзу, истак.

## Shunaqasi ham bo'lib turadi

### БОШҚА-БОШҚА ЙИЛЛАРДА ТУФИЛГАН ЭГИЗАКЛАР



АҚШда ёши бир-биридан бир йилга фарқ қиладиган эгизаклар дунёга келди.

Гап шундаки, чақалоқларнинг бири 2006 йилнинг сўнги дақиқасида, иккинчиси эса 2007 йилнинг биринчи дақиқасида туғилган. Шундай қилиб, эгизаклар нафақат бошқа-бошқа кунларда, балки бошқа йилларда ўз туғилган кунларини нишонлашади.

Гонконглик киноюлдуз Жеки Чан 2006 йилда яна беш йил кинода рол ижро этишини, ундан кейин эса ёш каскадёрларга ҳомийлик қилиш ишларида иштирок этишини маълум қилганди.

Яқинда у Хитойда шахсий продюсерлик компа-

### ЖЕКИ ЎЗ КИНОКОМПАНИЯСИГА ЭГА БЎЛДИ

ниясини ташкил этди.

Айни дамда "Тигиз пайт-3" филмида суратга тушаётган 52 ёшли бу актёр янги истеъдодлар ва ғоялар қидириб топишни мақсад қилган. Чан бир пайтнинг ўзида ҳам Ҳолливудда ишлашни, ҳам хитой тилида кинолар суратга олишни режалаштиряпти.



## Kino olamida

### "ТАКСИ" ЧИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ



Барчамиз қизиқиб томоша қиладиган "Такси", "Такси-2", "Такси-3" филмларининг бош ижрочиси, таниқли француз актёри Сами Насери полиция томонидан қўлга олинди. Бунга унинг машинада тезликни оширгани эмас, тунги клубда жанжал кўтаргани сабаб бўлди.

Актёр хусусий тунги клубга киришга рухсат бермаган қоровулларнинг бири билан дўппослашган ва рақибига пичоқ билан ҳужум қилиб, жиддий жароҳат етказган. Насерига прокуратура томонидан жиддий айбловлар қўйилиши кўтиляпти. Унинг бу қилмиши суратга олинади қўтилаётган "Такси-4" филмининг орта сурилишига сабаб бўлиши мумкин.

Кинода ақлли ва ушшакчақ таксичи образини қойилмақом тарзда яратган бу актёр аввал ҳам ўзининг хурмача қилқилари билан бир неча маротаба судланган эди.

## Табриклаймиз!

"Тошкент Телеком" филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюшмаси кўмитаси жамоалари Ҳазраткент телекоммуникациялар боғламаси бош муҳандисининг меҳнат муҳофазаси бўйича ўринбосари, цех касба уюшмаси кўмитаси раиси Аширли АБДУРАҲМОНОВНИ табарруқ 60 ёшга тўлиши муносабати билан қизгин табриқлайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий хотиржамлик тилайди.

"ЎЗИ-Термиз" филиали жамоаси ЛАЦ бўлими бошлиғи Худойберди КЕЛДИЕВНИ кутлуг 60 ёши ва филиал ҳуқуқшуноси Хуррам ҚАРШИЕВНИ 55 ёши билан сидқидилдан табриқлайди. Уларга сиҳат-саломатлик ва узоқ умр тилаб қолади.



# Sport



## Spartakiada

Аввал хабар берганимиздек, Тошкент алоқа касб-хунар коллежи спорт базасида Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланган республика спартакиадасининг финал босқичи бўлиб ўтди. Унда мусобақаларнинг минтақавий босқичларида ғолибликни қўлга киритган 14та алоқачилар терма жамоаси иштирок этди.



# ПОЙТАХТЛИКЛАР

# БОШ КУБОК СОҲИБИ

**Алоқачилар** шахмат, шашка, стол тенниси, кўпкураш мусобақалари ҳамда арқон тортиш бўйича яккалик ва жамоавий баҳсларда куч синашишди. Қизиқарли ва мурасиз курашларда куйидаги натижалар қайд этилди.

### ШАХМАТ бўйича:

#### Эркалар ўртасида

1-ўрин. **НУРАЛИ ЭЛБЕКОВ** — Бешкент почта алоқаси тармоғи алоқа бўлими бошлиғи (Қашқадарё);

2-ўрин. **ДИЛШОД ҲАЙДАРОВ** — Бағдод почта алоқаси тармоғи муҳандиси (Фарғона);

3-ўрин. **СОЛИЖОН МУХИДДИНОВ** — ТАТУ Самарқанд филиали доценти (Самарқанд).

#### Аёллар ўртасида

1-ўрин. **СОБИРА РАҲМОНОВА** — Шовот почта алоқаси тармоғи бош ҳисобчиси (Хоразм);

2-ўрин. **ЛЮДМИЛА ШЕВЧУК** — "Тошкент Телеком" филиали ҳисобчиси (Тошкент вилояти);

3-ўрин. **НАДЕЖДАКОЛЕСНИЧЕНКО** — РРТМ бош электромеханиги (Тошкент шаҳри).

### ШАШКА бўйича:

#### Эркалар ўртасида

1-ўрин. **ВЛАДИМИР БИГЛАРИЯН** — "Қорақалпоқ Телеком" филиали йўриқчиси (Қорақалпоғистон Республикаси);

2-ўрин. **ЖАЛОЛИДДИН НУРИТДИНОВ** — Автоалоқа бўлими бошлиғи (Тошкент шаҳри);

3-ўрин. **Йўлдош МАМАТОВ** — Термиз

почта алоқаси тармоғи оператори (Сурхондарё).

#### Аёллар ўртасида

1-ўрин. **МАРИНА НИКУЛИНА** — Нукус почтамити хабарчиси (Қорақалпоғистон Республикаси);

2-ўрин. **ТАМАРА ПАНОВА** — ЎзТБЕРМ 2-тоифали муҳандиси (Тошкент шаҳри);

3-ўрин. **ГУЛБАҲОР АҲМЕДОВА** — Гурлан почта алоқаси тармоғи сараловчи-иш юритувчиси (Хоразм).

### СТОЛ ТЕННИСИ бўйича:

#### Эркалар ўртасида

1-ўрин. **ДИЛШОД УСМОНОВ** — "Коском-С" ҚК етакчи муҳандиси (Самарқанд);

2-ўрин. **ХУСАНБОЙ ҲАКИМОВ** — Хонобод телекоммуникациялар боғламаси телеграфчиси (Анджон);

3-ўрин. **РАМИЛ ЯКУБОВ** — "ТошТТС" филиали смена бошлиғи (Тошкент шаҳри).

#### Аёллар ўртасида

1-ўрин. **ФЕРУЗА АНДЖИВЕЛИЕВА** — "Самарқанд Телеком" филиали оператори (Самарқанд);

2-ўрин. **ГУЛЧЕРА ЭГАМБЕРДИЕВА** — Тўртқўл туман телекоммуникациялар боғламаси оператори (Қорақалпоғистон Республикаси);

3-ўрин. **ИРИНА ШЕРСТНЁВА** — "Коском" ҚК муҳандиси (Тошкент шаҳри).

### Кўпкураш бўйича:

1-ўрин. Самарқанд вилояти жамоаси;  
2-ўрин. Навоий вилояти жамоаси;  
3-ўрин. Тошкент шаҳри жамоаси.

### АРҚОН ТОРТИШ бўйича:

1-ўрин. Хоразм вилояти жамоаси;

2-ўрин. Наманган вилояти жамоаси;

3-ўрин. Фарғона вилояти жамоаси.

Мусобақалар якунида умумжамоа ҳисобида ғолиб ва совриндорлар номи аниқланди. Деярли барча беллашуларда юқори натижалар кўрсатган Тошкент шаҳри жамоаси 2006 йилги спартакиада ўйинларининг бош кубогини қўлга киритди. Иккинчи ўринни Қорақалпоғистон Республикаси жамоаси, учинчи ўринни эса Самарқанд вилояти ҳаваскор спортчилари банд этишди.

Тантанали ёпилиш маросимида спартакиада совриндорлари ҳамда қатнашчиларига ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари ва турли даражадаги дипломлар топширилди. Тадбирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари Асаджон Ҳўжаев, Республика алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Тоҳир Назаржонов ва бошқалар иштирок этишди.

### Ўз мухбиримиз

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиали жамоаси қорхонанинг обуна бўлими бошлиғи М. Сулеймонова ва иш юритувчиси Г. Раҳмоновларга падари бузрукворлари

### БАРОТ отанинг

вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## Xabar

### МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:  
Абдусайд КҲЧИМОВ

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ  
Бахтиёр КУБЕЕВ  
Шомансур ОБИДХҲҲАЕВ  
Миродил САНГИЛОВ  
Равшанбек СУЛАЙМОНОВ  
Лутфилло ТУРСУНОВ  
(масъул котиб)  
Асаджон ХҲҲАЕВ  
Рустам ҚОСИМОВ  
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета  
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

### МАНЗИЛИМИЗ:

700060, Тошкент-60,  
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.  
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.  
Факс: 136-36-42.  
E-mail: orif@infonet.uz

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин.

Наширимиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

**Тижорий материал** — ❶  
Реклама матнларининг тўғрилиги тахририят жавобгар эмас.

**Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.**  
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
**Миязил:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

50-G сонли букюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.  
Адади: 11487 нуска.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
Саҳифаловчи: **Аслиддин БҲРИЕВ.**  
Матн терувчи: **Диффуза МАТҚУРБОНОВА.**

Ахборот ҳамкоримиз:  
**UZINFOCOM** маркази.

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

| Жамоатчи мухбирларимиз: | Анджонда  | Бухорода  | Гулистонда | Жиззахда  | Навоийда  | Наманганда | Нукусда   | Самарқандда | Термизда  | Тошкентда | Урганчда  | Фарғонада | Қаршида  |
|-------------------------|-----------|-----------|------------|-----------|-----------|------------|-----------|-------------|-----------|-----------|-----------|-----------|----------|
|                         | 226-47-80 | 226-22-14 | 40-12-19   | 226-26-96 | 222-56-30 | 226-61-85  | 222-14-63 | 34-06-71    | 224-06-12 | 133-36-48 | 226-43-13 | 226-87-71 | 23-04-89 |

ДИҚҚАТ:  
ТАНЛОВ!БЎЛАЖАК  
КИТОБНИ  
ЎЗИМИЗ  
ЯРАТАЙЛИК!КАБУТАРДАН —  
САМОВИЙ АЛОҚАГАЧА!

Хар қайси соҳанинг дунёга келиш, ривожланиш тарихи бўлганидек, алоқа тизими ҳам минг-минг йиллик ўтмишга эга. Инсоният, жамият пайдо бўлибдики, одамлар, қавмлар, давлатлар турли воситалар орқали бир-бирлари билан узаро алоқа ўрнатганлар.

Бир замонлар оддий кабутарлардан бошланган алоқа бугунги самовий алоқа воситалари — телефон ёки электрон почта даражасига етиб келгунича, эҳ-хе, қанча-қанча мураккаб жараёнларга гувоҳ бўлган! Аммо, эътибор қилсангиз, ҳамма даврларда ҳам ҳаёт учун энг зарур бўлган алоқа ва алоқачилар ҳақидаги тасаввуримиз ўнчалик бой эмас. Масалан, Соҳибқирон бобомиз Амир Темур магрибдан машриққача бўлган давлатларнинг кўпчилиги билан дипломатик алоқалар ўрнатган. Лекин ўша замонда алоқанинг айнан қандай воситаларидан фойдаланилган, алоқа тизими, алоқачилар фаолияти қандай эди? Ёки Ҳиндистондай ўлкада 200 йилдан зиёд ҳукмронлик қилган Бобурийлар замонида алоқа қандай бўлган? Қадим Туркистонда, Турон заминда-чи? Хоразмшоҳлар, қўйинг-чи, Бухоро ёки Қўқон хонликлари давридаги почта ва алоқа тизимлари ҳақида нималарни биламиз? Ҳатто, ўтган асрда шўролар қатағонига дучор бўлган юз-юзлаб алоқа ходимларининг фожиаи тақдири ҳам кўпчилигимиз учун ҳали-ҳануз қоронғу ва номаълум.

Алоқа ва ахборотлаштириш тизимисиз ҳаётимизни, тараққиётимизни тасаввур қилиб бўлмайдиغان бугунги кунда соҳа тарихини ўрганиш керак ва зарур. Айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин мазкур соҳада мисли қўрилмаган юксалишлар, янгиликлар содир бўлаётирки — бу дилларимизни фахру ифтихорга тўлдиради!

«Xabar» газетаси таҳририяти ана шу мақсадларда «КАБУТАРДАН — САМОВИЙ АЛОҚАГАЧА!» деб номланган танлов эълон қилмоқда.

Сизга аён бўлганидек, **ТАНЛОВДАН КЎЗЛАНГАН АСОСИЙ МАҚСАД** — алоқанинг оддий оқ кабутарлардан космик алоқагача бўлган тарихини ўрганишдан, турли замонлардаги алоқа тизимлари, алоқачилар ва уларнинг тақдири тўғрисида газетхонларимизни, халқимизни яқиндан ошно қилишдан иборат. Танловга фақат алоқа тарихи ва бугуни билан боғлиқ бадиий асарлар, публицистик очерклар, илмий-оммабоп мақолалар, ҳикоя ва лавҳалар ҳамда фотосуратлар қабул қилинади. Танловга юбориладиган асарларнинг ҳажми чегараланмайди.

Танловда тарихчилар, олимлар, ёзувчи ва журналистлар, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари, мазкур соҳа билан қизиқувчи барча қаламкашлар иштирок этишлари мумкин. Танловга келган энг мазмунли материаллар газетамиз саҳифаларида эълон қилиб борилади. Танлов ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами арафасида якунланади. Танлов ғолибларига эсдалик совғалари ва қимматбаҳо мукофотлар берилади ҳамда уларнинг асарлари «Кабутардан — самовий алоқагача!» деб номланадиган китобга киритилади.

Қадрли алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари, келинг, соҳамиз тарихини ўзимиз ўрганайлик! **БЎЛАЖАК КИТОБНИ ЎЗИМИЗ ЯРАТАЙЛИК!**

Ҳурматли ижодкор дўстлар, ушбу хайрли ишларни Сизларнинг қўмагингизсиз амалга ошириш қийин — доимо «Xabar» билан бирга бўлинг!

Танлов ҳайъати

Келгуси  
сонларда:

Янги йил режалари. Бу ҳақда UZINFOCOM маркази директори Жалолиддин РАҲИМОВ ҳамда "Unitel" МЧЖ бош директори Евгений РУБАНлар ўз фикрлари билан ўртоқлашадилар...